

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ФРАНЦУЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 4Ф
КБК 81.2 Фр-4
А 17

АБСАЛОМОВА ГУЛМИРА ШАРИФОВНА
ФРАНЦУЗ ТИЛИ ИЗОҲЛИ ЛУГАТЛАРИДА ҲАЙВОНОТ
ТЕРМИНЛАРИ ТАЛҚИНИ

(*Le Petit Larousse* мисолида)

5А 120102 –лингвистика (француз тили) мутахассислиги
бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ



“ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Француз тили ва адабиёти” кафедраси
мудирини

 ф.ф.н. Н.Н.Сувонова

2015 йил “6” июнь

Магистратура бўлими бошлиғини

доц. Э. А. Искандаров

2015 йил “ ”

ИЛМий РАҲБАР:

ф.ф.н.д., проф. И.К. Мирзаев



06

Самарқанд - 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТЕРМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	7
1.1. Термин, терминология ва терминография.....	7
1.2. Терминологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.....	11
I боб бўйича хулоса.....	23
II БОБ. ҲАЙВОН НОМЛАРИНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ	24
2.1. Ҳайвонот олами ҳақида умумий маълумот.....	27
2.2. Ҳайвон номларининг мавзуй гуруҳлари	29
2.2.1. Судралиб юривчи ҳайвон номлари	30
2.2.2. Сут эмизувчи ҳайвон номлари	33
2.2.3. Қуш номлари	34
2.2.4. Балиқ номлари.....	36
II боб бўйича хулоса	38
III БОБ. ҲАЙВОН НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ	39
3.1. Француз тили луғатларининг умумий тарихи	39
3.2. Сут эмизувчилар номлари талқини (Les mammifères)	42
3.3. Судралиб юривчилар номлари талқини (Les animaux reptiles)	73
3.4. Қуш номлари талқини (Les oiseaux).....	77
3.5. Балиқ номлари талқини (Les poissons).....	89
III боб бўйича хулоса	95
ХУЛОСА	96
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	99
ИЛОВА. Французча ва ўзбекча ҳайвон номлари	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қароридан келиб чиқиб, мамлакатда «Таълим тўғрисида» ги Қонун ҳамда Кадрлар таёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни таёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишларини ҳисобга олиб, чет тилларини ўқитишга янада ундаш мақсадида ушбу илмий ишни ёзишга киришдик.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам роман тилшунослиги, айниқса, унинг етакчи бўғини бўлган француз тилшунослиги кенг тараққиёт йўлига кирди. Ушбу тил материаллари асосида кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шу билан бирга ҳали тадқиқотчилар эътиборига тушмаган ёки алоҳида монографик тарзда ўрганилмаган мавзулар ҳам бир талай. Шулардан бири, бизнингча, термин, терминология ва терминография масалаларидир.

Терминга ўзига ҳос лисоний воқелик сифатида берилган таърифлар, умуман олганда, унинг лисоний ҳамда вазифавий аҳамиятини тўлиқ очиб беролган эмас. Шунинг учун терминнинг ўзи ва унинг сўз, сўз бирикмаси, гапга муносабати ҳақидаги тасаввурларимиз тўлиқ эмас. Шунинг учун, кўпинча, терминни сўз билан ёки сўз бирикмаси билан алмаштириб юрамиз. Бу — бир томондан.

Иккинчи томондан, Ўзбекистонда роман ва герман тиллари бўйича зоологик терминлар бир тил доирасида ҳам, бир неча тил доирасида ҳам, (қиёслаб) ўрганилган эмас. Ҳолбуки, рус ва жаҳон тилшунослигида ёки бизнинг юртимизда ҳам ўзбек тили материали асосида ҳайвон номларини

ифодаловчи лексемалар у ёки бу даражада ўрганилган. Шу ҳолатлар биз танлаган мавзунинг долзарблигини ва унинг келгусида бажарилажак тадқиқотларга туртки бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ушбу тадқиқот ишининг объекти қилиб изоҳли луғат Le Petit Larousse олинди. Шу луғат асосида йиғилган ҳайвон номлари эса тадқиқотимизнинг предметини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу тадқиқот ишимизнинг асосий вазифалари ҳайвон номларини тизим сифатида изоҳли луғатда берилишини ўрганиш. Тадқиқотнинг ушбу мақсадлари унинг қуйидаги вазифаларини белгилайди.

-термин, терминология ва терминографияга оид илмий адабиётларни ўқиш;

-термин унинг табиати бошқа луғавий бирлик билан муносабатларини ўрганиш;

-француз тилининг муқобил изоҳли луғатини танлаш;

-танланган изоҳли луғат асосида ҳайвон терминларини тўплаш;

-айни пайтда тадқиқот предмети қилиб олинган ҳайвонларнинг физиологик табиатини, уларнинг физиология илмида берилган таснифларини ўрганиш;

-терминнинг таркибий турларини аниқлаш;

-терминларнинг ҳосил бўлиш тамойилларини ўрганиш;

-изоҳли луғатдан тўпланган ҳайвон номларини мавзуга доир гуруҳларга бўлиш;

-бўлинган мавзуга доир гуруҳларда тағ гуруҳларни аниқлаш;

-ҳайвон номларини ифодаловчи терминларнинг келиб чиқишини ўрганишга ҳаракат қилиш ва бошқалар.

Мавзунинг илмий янгилиги. Ушбу ишда ҳайвон номлари француз тили материали асосида биринчи марта таҳлил объекти қилиб олинди. Таҳлил натижалари ҳайвон номларини ўзига ҳос луғавий тизимда ўрганиш француз луғатшунослигида ўзига ҳос илмий янгилик сифатида талқин

килиниши мумкин. Чунки, мазкур турга доир лексикологик, лексикографик ва терминологик ишларда ҳайвон номлари тизим сифатида ўрганилган эмас ва улар асосида бу тизим ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишнинг иложи йўқ.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг илм ва фан ҳақидаги карашлари, диалектик мантиқнинг билиш назарияси фалсафанинг, умумийлик, хусусийлик, яққалик категорияси соҳа етакчи олимларининг фундаментал тадқиқотлари ушбу диссертациянинг асосий масалаларини ташкил этади. Фаразлар ўқувчига француз ва ўзбек тилидаги ҳайвон номлари таржимаси ҳақида ва изоҳ маълумотлар топишда қўл келади

Тадқиқотнинг мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Юқорида таъкидлашга ҳаракат қилганимиздек, “ҳайвон” семали терминлар, роман, хусусан, француз тилшунослигида ўрганилган эмас. Бу соҳада Ўзбекистонда бажарилган ягона иш Н.Р. Нишонованинг “Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили” мавзуида ҳимоя қилинган (Тошкент 2000 йил) диссертацияси ҳисобланади. Магистирлик диссертациясини ёзишда енг аввало, ҳайвон ўзи нима деган саволга жавоб излаб, Олий ва ўрта махсус таълим дарсликларидан, терминнинг тавсифини беришда термин ва терминологияга оид адабиётлардан, икки тилли луғатлар ва, албатта, тадқиқотнинг асоси бўлган Le Petit Larousse изоҳли энциклопедик луғатидан фойдаланилди.

Тадқиқотда қўлланилган таҳлил методлари. Ишда умумий таҳлил, контекстуал, дистрибутив, транспозицион, статистик ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот натижалари француз тили лексикологияси, терминологияси ва терминографиясининг тегишли бандларини янги назарий маълумотлар билан бойитади. Олинган натижалардан юқорида қайд этилган фанлар бўйича махсус курс, ўқув қўлланма ва дарсликлар ёзишда бакалаврият ва

магистрантлар учун ўқиладиган маърузаларга материал сифатида фойдаланиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг тузилиши ва тавсифи. Ушбу диссертация кириш, 3боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб кириш қисмида миллий тилнинг терминологик лексика таърифи олимлар талқинида қандай эканлиги ҳақида, I бобда терминологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, Иккинчи боб “Ҳайвон номларининг мавзуий гуруҳлари” деб номланган. Бу ерда ҳайвонот ҳақида умумий маълумотлар берилган “ҳайвон” семали лексемалар мавзуий гуруҳларга ажратилган.

Булар сут эмизувчи судралиб юрувчи ҳайвонлар, қуш ва балиқ номларидир. Ҳар бир гуруҳнинг таг гуруҳлари ўрганилган.

“Ҳайвон номларининг лексикографик талқини” деб номланган учинчи боб беш фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслида “Француз тили луғатларининг умумий тарихи”, иккинчи фаслида “Сут эмизувчилар номлари талқини”, учинчи фаслида “Судралиб юрувчилар номлари талқини”, тўртинчи фаслида “Қуш номлари талқини”, бешинчи фаслида “Балиқ номлари талқини” дан иборат.

I БОБ

ТЕРМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. Термин, терминология ва терминография.

Ҳар бир соҳада, ҳар бир касб - ҳунарда илмий билишнинг қудратли воситаси бўлган тил туради. Унинг турли туман воситалардан фикр ҳосил қилиш, қайд этиш, узатиш масаласи турар экан, олимларнинг тилнинг турли мақсадларда қўлланишини ўрганишга эътибори, асосан, ана шу ҳолатлар билан берилади.

Илмий тадқиқот ва мунозараларда “махсус мақсадларда қўлланиладиган тил” термини кўп қўлланилади. Илмий ва дидактик манбаларда термин билан биргаликда “касб - ҳунар лексикаси” атамаси ҳам ишлатилади.

Лексикографик мақсадларда фойдаланилган тил ўзининг муайян тафсилотлари билан ажралиб туради. Чунки унинг асосини айнан шу тил ва унинг серқирра воситалари ташкил этади.

Миллий тилнинг терминологик лексика тарзида таърифланадиган қатлами ниҳоятда ўзига хос, муайян тартибга келтириш қийин бўлган қатламдир. Ана шу қатлам ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан талқин ва таҳлил қилинишда давом этмоқда. [Бу ҳақида Василев, С.В. Гринев, В.П. Даниленко, Р.Ю. Кобрин, Н.Г. Комлев, Н.З. Котелова, Л.Л.Кутина, В.М.Лейчик, Н.В. Полская, В.Н. Прохорова, Л.И. Скворцов, В.Г. Гак, А.В. Супаранская, В.А. Татарина, А.Д.Хаютин, С.Д. Шелов ва бошқаларнинг ишига қаранг.]

Терминология ва терминографияда қўлга киритилган ютуқ ва натижаларга қарамасдан улар билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда ана шундай муаммолардан бири ва ўз ечимини кутаётган терминнинг таърифидир.

Аксарият рус ва ўзбек тилларида чоп этилган ишларда термин муайян соҳага, оид сўз ва тушунча тарзида таърифланади. Бу эса, маълумки, сўз

билан терминни, термин билан сўз бирикмасини бир нарса шаклида талқин қилиш учун имконият ясади ва проф. В.Г.Гакнинг асосли эътироф этишича, бу таъриф тўғри эмас. У ўзининг 1971-йилда чоп этилган “Ассиметрия лингвистического знака и некоторые общие проблемы терминологии” номли мақоласида терминнинг янгича таърифи берилди ва унинг тил луғавий тизимидаги ўрни аниқланади. У илмий адабиётларда терминнинг, кўпинча, луғавий бирликларнинг махсус турлари сифатида талқин қилинаётганлигига эътироз билдириб, “термин есть функция, вид употребления лексической единицы”- деб ёзди. (Семиотические проблемы языков науки) Материалы научного симпозиума. Изд-ва МГУ, 1971, с 68-71. (“Термин— бу функция, луғавий бирлик қўлланилишининг ўзига хос тури”) деб ёзди ва бу фикр, бизнингча ҳам жуда тўғри. Акс ҳолда, терминни сўздан, сўзни терминдан узил кесил фарқлашнинг ҳеч қандай иложи йўқ.

В.Г.Гакнинг ёзишича қуйидаги икки хусусиятга эга бўлган ҳар қандай луғавий бирлик термин бўла олади: 1) объектив борлиқдаги бирор нарсани ифодалай олиши 2) тушунчалар қаторидан муайян жой эгаллаши. [Қаранг: Бушуй А.М., Золототрубова Н.А., Мирзаев И.К. ва бошқалар 1986,23]. Демак, бирор нарса ҳодисани ифодалай оладиган ва тушунчалар сирасидан ўзига хос ўрин эгаллайдиган ҳар қандай луғавий бирликни термин сифатида ишлатиш мумкин.

Сўз билан термини фарқлашнинг яна бир муҳим белгиси —сўзнинг нарса, ҳодиса, предметни, терминнинг эса тушунчани ифодалашидир.

Тушунча эса, нарса ва ҳодисанинг умумлашма мавҳум номи бу ҳолатни ҳисобга олиш жуда муҳим.

Терминлар мажмуи терминология дейилади. У ҳар бир соҳага доир касбий билимларни ифодаловчи тушунчалар асосида шаклланади. Бинобарин, айтиш мумкинки, терминология у ёки бу соҳага доир терминлар тизимини шакллантиради. Чунки терминология ва терминлар илмий, илмий назария, қонун, қоида, тамойил кабиларни илмий нуқтаи назардан асослаш куролидир. Бошқача айтганда «термины, являются инструментом, с помощью

которого формируются научные теории, законы, принципы, положения» то есть «в терминах отражается социально обязательный характер» [А.А. Реформатский 1968]

Терминология ва терминотизим тушунчаларни ўзаро фарқлаш керак. Терминология — бу фан ва техниканинг муайян соҳаси терминлар мажмуи у табиий равишда шаклланади. Терминотизим эса терминлар орасидаги муносабатни қайд этадиган, қайд этувчи тартибга солинган терминологиядир.

Терминотизим, яъни муайян тартибга солинган терминлар тизими мутахассисларнинг ўзаро бир бирини тушуниш ва мулоқот қилишларида, мутахассислар тайёрлашда, илмий асарларни чоп этишда, халқаро ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда, ахборот олиш, қайд этиш ва узатишда алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари компютерлашган бизнинг давримизда терминотизимнинг аҳамияти бир неча бор ортаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Маълумки, холис ва тўғри топилган ёки ишлаб чиқилган терминлар илм фаннинг тараққиётига кенг йўл очиб берса, нотўғри, ноўрин нохолис қўлланган терминлар илм фан тараққиётига тўсиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир давлатда, хусусан бизнинг Ўзбекистонда ҳам терминологик қўмита фаолият кўрсатади. Терминология қатор фанлар билан узвий боғланган энг аввало, лексикология билан чамбарчас боғланган, шунингдек, у сўз ясалиши, морфология ва сўз бирикмалари синтаксиси билан ҳам мустахкам алоқада. Тилшунослик терминлари унинг стилистика, матн тилшунослиги, илмий техникавий таржима назарияси ва амалиёти билан ҳам боғлайди. Терминология терминография билан жуда яқин алоқада туради. Чунки махсус луғатлар тузиш терминография соҳаси ҳисобланади. Бизнингча, терминология билан терминография орасига қатъий чегара қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки терминшунослар ўрганаётган кўплаб муаммолар бевосита соҳавий луғатлар яратиш амалиёти натижаси ўлароқ юзага келган.

Бу муаммолар ечими ўз навбатида луғат тузиш метод ва йўналишларга ижобий таъсир қилади.

Соҳавий лексика илм - фаннинг турли соҳаларига доир тушунчаларни номлашга хизмат қилиши боис, терминлар маъносини аниқлашда тегишли тушунчалар маъносини чуқурроқ англаш лозим бўлади.

Терминларнинг тушунчаларни ҳосил қилиш, сақлаш ва узатиши, унинг тарихининг илмий тушунчалар тарихи тараққиёти билан узвий боғланганлигини терминологиянинг гносеология (билиш назарияси), фан ва техника тарихи билан яқинлаштиради.

Ушбу ўринда эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир нарса, белги назариясидир. Гап шундаки, белги деганда ҳар қандай имо – ишора ҳам табиат ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатлар (масалан, осмонда қора булутнинг пайдо бўлиши, ёмғир келиши белгиси эканлиги каби) тушунилади. Эҳтимол, бу тўғридир. Бироқ табиатда ва ҳаётда учрайдиган белгилар билан лисоний белгини адаштирмаслик керак.

Лисоний белги деганда тилшунослар орасида ҳам бир тўхтама келинган эмас. Уларнинг айримлари белги деганда тиниш белгиси, тутук белгиси ёки, диакритик белгиларни тушунса бошқалари ҳарф, морфема сўзни тушунишадик, бу ҳам зукко ўқувчини қондира олмаслиги табиий. Шу нуқтаи назардан атоқли ва бемисл тилшунос марҳум проф. В. Г. Гакнинг бу борадаги фикрлари ғоят ўринли, ибратли ва истиқболли кўринади. У ўзининг 1967-йилда Москвада чоп этилган «О двух типах знаков языке» мақоласида белгининг нима эканлигини шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада таъриф ва тавсифлаб берган. В.Г.Гакнинг бу борадаги фикрларини ўқувчига тўғри ва аниқ ҳолис етказиш мақсадида аслиятда (рус тилида) келтиришни лозим топдик. «Определяя природу языкового знака и его места в общей семантической системе, исследователи ориентируются обычно на слово и отмечают прежде всего взаимнонеоднозначное соответствие плана содержания как его отличительную черту». [Қаранг: Бушуй А.М., Золототрубова Н.А., Мирзаев И.К. ва бошқалар 1986, 10-11]

Кўринадики, ҳозиргача асосий белги деб келинган сўз, фақат гап таркибидагина белги мақомини олади. Ва у В.Г.Гак томонидан ярим белги сифатида таърифланади. Шунга кўра, белги деганда бир сўзни эмас, балки гапни тушуниш керак. Чунки фақат гапгина бошқа ҳар қандай белги (масалан, йўл ҳаракати белгилари) каби нисбатан тугал фикрни ифодалайди. Шунга кўра гапни тўлиқ белги, сўзни эса, ярим белги дея таърифланаётгани мақсадга мувофиқ.

1.2. Терминологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

Маълумки, луғавий номинация соҳасида олиб борилаётган кузатишларнинг умумий назарияси ва амалиётида терминология масалалари энг муҳим муаммолар сирасини ташкил қилади. Шунинг учун терминнинг моҳияти, терминлар тузилиши, таснифи, уларнинг термин бўлмаган луғавий қатламлар (сўз, сўз бирикмаси ва бошқалар) билан муносабати масаласи кундан-кунга тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ жалб қилмоқда. Чунки тилнинг номлаш функциясини ўрганишни турли илмий соҳаларда ишлатилаётган терминлар тадқиқисиз тасаввур қилиш қийин. Тилшунос учун терминнинг табиатини тушуниш янада муҳим, чунки бу сўз ва сўз бирикмасининг семантикаси ҳақидаги тасаввурни оширади ва, энг муҳими, сўзда луғавий ва мантиқий маънолар муносабатини аниқлашга имкон беради. Бу эса, яъни сўзнинг мазмун қурилишидаги лексик ва мантиқий луғавий маъновий семантикани тушуниш сўзнинг ўзини ҳам, унинг полифункционал хусусиятини тушунишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, тилшунос учун илм-фаннинг турли соҳаларда амал қилаётган терминларнинг ясалиш механизмларини ўрганиш ҳам қизиқарли. Чунки термин функциясида туб сўзлар ҳам, ясама сўзлар ҳам, сўз бирикмаси ҳам, гап ҳам қўлланилиши мумкин. Шунинг учун терминнинг ҳосил бўлиш тамойилларини четлаб ўтиб бўлмайди. Қуйида терминларни ўрганиш билан боғлиқ асосий йўналишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Термин ва ўзига хос тизим сифатида 1993- йилдан эътиборан ўрганила бошлаган ва бу йўналишнинг асосчиси Д.С. Лотте ҳисобланади. Шунингдек терминологиянинг фан сифатида шаклланишида А.А. Реформатский ва бошқаларнинг ҳам хизматлари катта эканлигини қайд этиш лозим.

Ҳозиргача терминология соҳасида олиб борилган тадқиқотларни куйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

Терминнинг мақомини аниқлаш. Бу йўналишда Реформатский (1986), Головин (1981), Кузкин (1962), Капанадзе (1965) ва бошқалар мазкур йўналиш доирасида фаолият олиб борганлар.

Термин мазмунининг хусусиятларини ўрганиш. Бу борада Кобрин (1991), Ахманова (1990), Карпович (1978), Лейчик (1986), Толикина (1970), Хижняк (1998) кабилар изланишлар олиб борганлар.

Термин ва номенклатура бирликлари муносабатини синхрон ва диахрон аспектларда ўрганиш. Бу йўналишда фақат биргина олим тадқиқот олиб борган (Герд 1991).

Терминларни таржима қилиш йўналиши. Мазкур йўналишда Огонассян (2003), Довбиш (2003), Сахневич (1998) илмий кузатишлар олиб бориб, диссертациялар ёзганлар.

Терминнинг когнитив - ономасиологик ва когнитив – семасиологик таҳлил йўналиши. Александрова (1999), Буянова (2002), Володина (2000), Кубрякова (1995), Шелов (1998) ва бошқалар айнан шу йўналишда фаолият кўрсатганлар.

Албатта, терминологик тадқиқот йўналишлари биз юқорида қайд этганлар билан чекланмаслиги мумкин. Бироқ бизнинг таснифимиз шундай тадқиқотларнинг асосини ташкил қилиши мумкинлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Илмий ва дидактик манбаларда терминнинг таърифи ҳақида гап кетганда, фан ва техниканинг бирор соҳасига оид сўзлар термин дейилади қабилдаги умумий мулоҳазалар билан чегараланилади. Афсуски, бу таъриф терминологияга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан,

хамон етакчи бўлиб қолмоқда ва ҳамон сўз билан термини фарқлаш муаммолигича қолмоқда. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, биз қуйида терминнинг таърифи билан боғлиқ айрим ишларга тўхталиб ўтамиз.

О.С. Аҳманованинг ёзишича, (1966, 3-19 б.) термин бу махсус тушунчаларни аниқ-тиниқ ифодалаш учун махсус яратиладиган ёки бошқа тилдан олинadиган сўз ёки сўз бирикмасидир. Мазкур таърифдан ҳам, кўриниб турганидек, сўз билан терминни фарқлаш тўғрисида етарли тасаввур бера олмайди. Бироқ О.С. Аҳманованинг таърифи жуда оммалашиб кетган ва уни деярли ҳар бир илмий ёки дидактик адабиётларда учратиш мумкин. Шунинг учун биз россиялик марҳум профессор Владимир Григоревич Гакнинг бу борадаги мулоҳазаларга тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки айнан шу мулоҳазалар терминнинг моҳиятини тушунишда ҳам, уни бошқа номинатив бирликлардан фарқлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, олимнинг терминологияга бағишланган мақоласининг қисқача мазмунини (аннотациясини) рус тилида келтирамиз ва сўнгра унинг айрим ўринларини шарҳлашга ҳаракат қиламиз: *“ термин есть функция, вид употребления лексической единицы. Термином может стать любая ЛЕ, обладающая двумя свойствами: способностью означать нечто и занимать определенное место в ряду понятий. В работе анализируются типы отношений между нетермированной и терминовой лексикой в плане выражения, на основании чего выделяются: а) одноплановые ЛЕ, не выступающие в функции термина; б) одноплановые ЛЕ, выступающие в функции термина; в) двуплановые ЛЕ, выступающие в функции термина и нетермина.*

Устанавливается типология двуплановых ЛЕ в содержательном аспекте. Функция термина и нетермина могут соотноситься: а) с разными означаемыми и соответственно с разными значениями этой единицы; б) с одним и тем же означаемым, которое лишь определяемым означаемым.

Элементы терминологической системы обладают всеми свойствами лексических единиц языковой системы, в том числе теми, которые вытекают из «асимметрия знака определяется не устройством языкового кода, но условиями его использования и даже назначения»

Асимметричность языкового знака есть частное проявление общей полифункциональной орудийной деятельности человека. В области языка полисемия и синонимия являются важнейшими условиями функционирования языка. Свойственны они и терминологической системе, причем асимметрия терминированных ЛЕ проявляется в реализации в большей степени, чем в системе.

Признавая правомерность нормализующей деятельности, направленной на ограничение асимметрии в терминологии, эта задача не может быть осуществлена в полном объеме, пока находится в развитии данная терминологическая отрасль”.

Юқорида бирмунча кўламлироқ кўринган иқтибозда терминнинг, энг аввало, функция эканлиги, бинобарин, ифода ва мазмун планларига эга ҳар қандай луғавий бирлик термин бўлиши мумкинлиги алоҳида уқтирилган. Бошқа ҳар қандай луғавий бирлик каби термин ҳам лексик ҳодисага хос барча хусусиятларга эга. Шунингдек, лисоний белги асимметрияси билан боғлиқ характерларга ҳам эга.

В.Г.Гакнинг лисоний белги асимметрияси тил ҳодисасининг тузилиши билан эмас, балки нутқда кўлланиш шароитлари билан боғлиқ деган фикрлари нафақат терминология, шунингдек, фонетик, лексик, грамматик тизимлари, ҳодисалари хусусиятларини теран ва изчил англаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, термин билан сўзнинг муносабатини аниқлаш қанчалик қийин бўлса, термин билан номеннинг, терминология билан номенклатуранинг алоқаларини аниқлаш ҳам шунчалик қийин. Аксарият тадқиқотчилар, хатто, терминологлар ҳам бир - бирига жуда яқин аммо айна

пайтда бир биридан жуда узоқ бу тушунчаларни аниқ-тиник фарқлай олмасликлари амалиётда яққол кўриниб туради.

Сўз предмет, нарса-буюм, ходисани, **термин** тушунчани (яъни нарса ва ходисанинг умумий, абстракт номини ифодаласа), **номен** (номенлар мажмуи номенклатура дейилади) хосланган номинатив майдон доирасидаги конкрет нарсаларни ифодалайди [қаранг: Винокур 1939, Канделаки 1977]. О.П. Рябкованинг фикрича номенклатура (яъни номенлар) илмий махсулотларни эмас, балки, кундалик турмуш (маиший номлаш) махсулотларни ифодалайди.

Бизнингча, терминга хос хусусиятлар – бир маънолилик, аниқлик, эмоционаллик ва экспрессивликнинг йўқлиги, тизимлилик ва бошқалари кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Чунки терминни бир маъноли деб қанчалик гапирмасинлар, барибир, илмий матнларда унинг кўп маънолилик ҳолатлари ҳам кўриниб қолади. Бу ерда конкрет матн ҳақида гап кетиши керак чунки, айнан бир матнда, айнан бир терминнинг турли маъноларда қўлланилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, матнда қандай илмий тушунча ҳақида гап бораётгани тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

Умуман, фанда терминнинг бир маънода қўлланилишига эришишнинг иложи йўқ. Чунки айнан бир ходиса (масалан, морфология) тилшуносликда ҳам, ўсимликшуносликда ҳам, ҳайвоншуносликда ҳам, тиббиётшуносликда ҳам қўлланади.

Илмий манбаларда терминлар 4 асосий мезон асосида тасниф қилинади, яъни:

- а) грамматик тузилишига кўра;
- б) маъносига кўра;
- в) муайян соҳада ишлатилишига кўра;

д) инсон фаолиятида тутган ўрнига кўра [тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Лейчик 1999].

Бироқ бу ҳолатлар, масалан, термин маъносига доир тадқиқотларда унинг грамматик тузилиши ёки муайян соҳада қўлланишини эътиборга

олмаслик мумкин эмас. Тасниф узвлари биргаликда ўрганилсагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Чунки, терминга хос юқоридаги хусусиятлар бирга талқин қилинганда амалий аҳамият ҳам касб этади; терминологик луғатлар сифатини белгиловчи муҳим омилларга айланади.

Юқорида баён қилинганлар нафақат соф терминологик тадқиқотлар учун, балки терминологик лексикографияда ҳам муайян аҳамият касб этади. Умуман, лексикография, хусусан, терминологик лексикография хорижий тиллар материаллари асосида чуқур ўрганилган, тажрибалар умумлаштирилган, камчиликларни тузатиш тамойиллари ишлаб чиқилган деб бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, махсус луғат терминлар, турли таркибий-морфологик, таркибий- мазмуний қурилишга эга. Бинобарин, унда туб сўзлар ҳам, ясама сўзлар ҳам, субстантив характердаги сўз бирикмалар ҳам ўз ифодасини топади. Бироқ терминологик луғатларда уларнинг қўлланиш даражаси бир хил эмас, чунки луғатда акс этаётган соҳа терминларининг тараққиёти ҳам бир хил ривожланган бўлмайди. Айрим соҳа терминлари чуқур ривожланган бўлса (математика, физика, лингвистика каби) бошқа соҳа терминлари тараққий этмаган ёки ҳали етарли даражада илмий муомалага олиб кирилмаган бўлиши мумкин. Олиб борган кузатишларимизда содда, ясама терминлар аффиксация асосида ҳосил бўлади. Аффиксация усули билан ҳосил қилинган содда терминларни ўрганиш эса лексикология соҳасидаги мутахассислар, хусусан, сўз ясалиши масалалари билан шуғулланувчи тилшунослар учун катта қизиқиш уйғотади. Чунки аффиксларнинг ўзгариши сўзнинг туркумига оид хусусиятини ўзгартиради. Бошқача айтганда қайси сўз туркумини ҳосил қилувчи аффикс қўлланган бўлса, шундай туркумга мансуб сўз, термин ҳосил бўлади.

Терминологик аффиксация тадқиқида қуйидаги 3 масала муҳим аҳамиятга эга;

- а) аффикс (префикс, суффикслар) баъзасини аниқлаш;
- б) уларнинг функционал мақсадини аниқлаш;

в) уларнинг ўз ёки ўзлашма қатламга мансублигини аниқлаш.

Инглиз тили аффикслари, ярим аффикс ва аффиксоидларни ўрганган И.В. Арнолд улар чегарасининг жуда сийқа эканлиги ҳақида гапиради ва ўз фикрини исботлаш учун “Oxford English Dictionary” да 240 аффикс қўлланилганлигини қайд этади. Бироқ шу луғатни ўрганган Л.Урданг [Урданг 1982] унда 1500 аффикс борлигини кўрсатади (бу ҳақда қаранг: Гаврелов 1990). Бу ҳолат ҳали аффикс, аффиксоиддан фарқланмаётганини кўрсатади ва бу соҳага доир изланишлар давом эттириши лозимлигига бир далилдир. Шунингдек, термин ясовчи аффиксларни тўплаш уларни сўз ясовчи аффикслар билан қиёслаб ўрганиш бир тил доирасида ҳам бир неча тил доирасида ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Турли тиллар материаллари асосида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш уларда мураккаб қурилмали терминларга нисбатан эътиборнинг юқори эканлигини кўрсатади. Бу соҳада илмий кузатишлар олиб борган тадқиқотчилар, асосан, қўшма термин ва термин функциясида қўлланиладиган сўз бирикмаларини ўрганганлар (масалан, қаранг: Гурьева 1981, Евтушевский 1985, Кривонос 1984). Бундай тадқиқотларнинг муҳим жиҳати шундаки, уларда тил бирлигининг ассиметрик ҳоссаларининг пайдо бўлиш сабаблари уларнинг бирламчи ва иккиламчи характерларнинг сабаблари кўрсатиб берилган, бошқача айтганда нима учун бир лисоний бирлик бир ҳолатда ўз, бирламчи маъно ёки функция, иккиламчи маъно ва функция бажарилиши қонун қоидалари ўрганилади. Умуман, О.С. Карцевский томонидан ишлаб чиқилган лисоний белги ассиметрияси тамойиллари орадан қариб 70 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, ҳамон илмий ва амалий фаолиятда изчил қўлланмасдан келмаётганини, бу ҳолат пировард натижада илмий тадқиқотлар самарадорлигига муайян даражада таъсир этаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Термин функциясида келадиган қўшма сўзлар, одатда, аниқловчи сўз бирикмаси қолипи асосида ҳосил қилинади. Бу ерда *Adj+N*, *Num+N*, *S+S* қолипли терминларнинг ҳосил қилинаётгани характерлидир. Гускова (1971),

Салман (1972), Кобрин (1991) ва бошқалар кўп узвли (кўп компонентли) терминлар сўз бирикмаларни ўрганадилар. Чунки ҳозиргача олиб борилган тадқиқотларда ва эълон қилинган ишларда асосан 2 бўлакли тобе сўз бирикмалар таҳлилга тортилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур олимларнинг тадқиқотлари қийматига шубҳа қилмаган ҳолда, терминлар тенг сўз бирикмаларининг ўрганилмасдан қолаётганини қайд этиш ҳам ўринли кўринади. Бу ҳолат, бизнингча, тенг сўз бирикмаларнинг синтактик мақоми талқини ва эътирофи билан боғлиқ. Чунки В.В. Виноградовнинг сўз бирикмаси ҳақидаги таълимотидан кейин тенг сўз бирикмалар сўз бирикмалари назарияси таркибидан чиқариб ташланди ва улар фақат ўтган асрнинг 70-йилларига келиб ўзига хос қурилмалар сифатида яна синтаксисга қайтарилди (бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Иванова, Бурлакова, Почепцов 1981; Бабайцева 1979; Мирзаев 1992).

Манбаларда терминлар сўз бирикмаларнинг 2 тури қайд этилади. Булар: 1) Икки узвли сўз бирикмалари. 2) Кўп компонентли сўз бирикмалари. Бундай бирикмалар биз тадқиқот объекти қилиб олган ҳайвон номларида ҳам учрайди. Икки узвли сўз бирикмалари умумий $A+N$ қолипи асосида ясалади. Бунда A - сифат, сон, олмош, от ва бошқалар билан ифодаланиши мумкин бўлган атрибут, N - эса отдир. Уларнинг барчаси тобе сўз бирикмалар турига киради. Уч ва кўп узвли терминлар сўз бирикмаларда эса синтактик алоқаларнинг қуйидаги 3 тури қайд этилади:

- 1) аниқловчи + мураккаб аниқланмиш
- 2) мураккаб аниқловчи + аниқланмиш
- 3) икки мустақил аниқловчи + аниқланмиш (бу ҳақда Благова 1999 ва ушбу диссертациянинг ҳайвон номлари морфологик тузилишига бағишланган қисмига қаранг).

Айрим тадқиқотларда қўшма сўзларни сўз бирикмалардан фарқлаш мезонлари ўрганилган (масалан, қаранг: Евтушевский 1985).

Маълумки, қўшма сўз ўз тузилиши ва таркибига кўра сўз бирикмалардан қўшиб ёки чизикча билан ёзилиши ҳамда оғзаки нутқда

биринчи бўлакга урғунинг тушиши билан фарқ қилади. Бирок мазмунан улар орасидаги фарқ анча мураккаб ва жиддий ва мантиқий – мазмуний омиллар билан белгиланади. Биз ушбу ўринда улар орасидаги мантиқий-мазмуний тафовутларга тўхталиб ўтирмаймиз ва бу борадаги мулоҳазаларни қуйидагилар билан чегаралаймиз: қўшиб ёки чизикча билан ёзиладиган морфологик тузилмалар қўшма сўз деб аталади. Сўз бирикмалари бўлаклари эса ажратиб ёзилади. Ана шу мезонга амал қилиш ҳеч бўлмаса бизга уларни маълум даражада фарқлаш имконини беради. Ўрни келганда қайд этиш жоизки, қўшма сўз ва сўз бирикмалари орасидаги ана шу шаклий- синтактик тафовут кўпинча, илмий ва ўқув адабиётларда қатъий таъкидланмайди.

Терминологияда препозитив ва постпозитив аниқловчиларнинг нисбати ҳам ўрганилган. Масалан, В.К. Логунованинг маълумотларига қараганда инглизча 744 таркибли терминдан фақат 17 таси (яъни 2,02%) гина постпозитив аниқловчили сўз бирикмаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан бир неча тиллар материали асосида алоҳида - алоҳида ва қиёсий аспектларда ўрганиш, биринчидан ҳар бир тилга хос типик (ёки типологик) хусусиятларни аниқлаш имконини берса, иккинчи томондан, тиллар аро универсалиялар характерини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирча бундай тадқиқотлар француз тили материалида ҳам, рус тили материалида ҳам, ўзбек тили материалида ҳам ўрганилмаган [Логунова 1982, 8].

Терминологиянинг мазмуний майдонлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар обзорида ўтамыз. Бу борада бажарилган ишларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) Ижтимоий- сиёсий терминологик майдон [Трибунская 1980, Халилова 1989, Москвич 1998].
- 2) Социологик терминлар майдони [Трушкова 1995].
- 3). Зоонимик терминлар майдони [Шамлиди 1979].
- 4) Флоронимлар майдони [Барышникова 1999, Булах 2001]

5) Иқтисодий терминологик майдон [Коновалова 1998, Сахневич 1998, Рахимбердиев 2003].

6) Юридик терминологик майдон [Громова 1999, Комарова 1999, Максименко 2000].

7) Антропонимлар майдони [Квартыч 1982].

8) Қон-қардошлик терминлар майдони [Шейхов 1997].

9) Маросим терминлар майдони [Боус 1998].

10) Қишлоқ – хўжалик терминлар майдони [Виниченко 1983].

11) Тиббий терминлар майдони [Бушин 1996, Иванов 1996 ва б.].

12) Ҳисоблаш терминлари майдони [Захарова 1983, Журавлёва 1990 ва б.].

13) Компютер терминлар майдони [Власко 2000].

14) Дегрезлик (қуймачилик) терминлар майдони [Логунова 1982, Морозова 1999].

15). Ракета – космик терминлар майдони [Уразбоев 1985 ва б.].

Албатта, бизнинг ҳажман чекланган ишимизда терминологияга доир тадқиқотларнинг ким томонидан ва қачон бажарилганлиги қайд этишнинг имкони йўқ. Шунинг учун уларни фақат соҳалари бўйича қайд этишга ҳаракат қиламиз. Булар химия полимерлари, ОАВ (оммавий ахборот воситалари), савдо – сотиқ, сунъий совуқ ҳосил қилиш, инглизча илмий адабиёт, французча илмий - техникавий, пайвандлаш техникаси, робот техникаси, маркетинг, спорт, реклама, новвойлик, ҳарбий, меъморий, жўғрофий, расмий мулоқот, мусиқа, логистика, фалсафа, таржима назарияси, лингводидактика, инглиз театр санъати, денгиз ва пороход, ўрмон кесиш техникаси каби терминлар майдонлари ўрганилган.

Кўринадик, наботот, ҳайвонот, табиат ҳодисалари билан боғлиқ терминлар кўпроқ ўрганилмоқда. Гарчи ҳали уларнинг тағ гуруҳлари ва бошқа тизимлар бўйича кўп ишлар қилиниши керак бўлсада. Иккинчидан, фалсафа, мантик, маданиятшунослик, маънавиятшунослик, этика, эстетика, адабиёт, атеизм каби соҳалар терминлари етарли даражада ўрганилмаган.

Учинчидан, бу тадқиқотларнинг кўплари француз тили материалида ҳам, ўзбек тили материалида ҳам ўрганилмасдан қолмоқда. Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, ўзбек тилшунослигида кўплаб терминлар маълум бир соҳа лексикаси сифатида ўрганилган булар: қишлоқ хўжалик лексикаси, деҳқончилик лексикаси, касб- ҳунар лексикаси ва бошқалар. Бу ҳақида маълумот олиш учун самарқандлик тилшунос М.Б. Абдиевнинг докторлик диссертациясига мурожаат қилиш мумкин [Тошкент 2004].

Юқорида баён қилинганлар терминологиянинг аллақачон алоҳида фан сифатида шаклланишини кўрсатади. Шунингдек, мухтасар тарзда баён қилинган ушбу обзор терминотизимларни ўрганиш айти пайтда тилнинг термин бўлмаган birlikларини (сўз, сўз бирикмаларини) тушуниш, улар орасидаги муқаррар равишда мавжуд умумий ва хусусий ўхшаш ва фарқли томонларни теган аниқлаш ва пировард натижада лексикологиянинг яхлит фан сифатида амал қилаётганини кўрсатади.

Биз юқорида терминологияни алоҳида фан сифатида эътироф этганимиз билан унинг (терминография ва, умуман, лексикография билан бирга) лексикологиянинг таркибий қисми эканини инкор этмоқчи эмасмиз. Бизнинг назаримизда лексикология билан терминология, терминография билан лексикография ўзаро гипероним ва гипоним муносабатидадир.

Юқорида муаллиф ва номларини кўрсатишга ҳаракат қилганларимиз монограф ва диссертациялар айти пайтда қайд этилган соҳалар бўйича луғат тузиш, унинг асосий тамойилларни аниқ ва пухта ишлаб чиқиш имконини ҳам беради. Бошқача айтганда соҳавий лексикографияни янги назарий ва амалий далиллар билан бойитади. Шу тарзда, бизнингча, терминология билан терминографиянинг ҳамкорлиги ва узвийлиги таъминланади.

Биз терминологик тадқиқотлар обзорини таёрлашда В.И. Головининг (1987), (1981), Э.Н. Головкинанинг (1996) ҳамда С.В. Гринев ва В.М. Лейчикнинг (1998) ишларидан ҳамда интернет материалларидан фойдаландик. Биз ҳам ушбу диссертация иши тузилиши ва улар таркибига монанд тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Чунки соҳавий терминларнинг ясалиши

ва таркибий- мазмуний турларини ўрганмасдан туриб уларнинг кейинги тадқиқотлари ҳақида изчил хулосага келиш қийин.

I боб бўйича хулоса.

XX асрнинг 80-90-йиллари, ҳозирги юз йилликнинг бошларида, айниқса, роман - герман ва рус тиллари материаллари асосида терминологик тизимларни ўрганиш авж олди. Ўзбекистонда соҳавий лексикани ўрганиш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу даврда, юқорида қайд этилганидек, эътибор кўпроқ ҳайвонот, наботот, сиёсат, иқтисодиёт, табиий фанлар терминларига қаратилганлиги билан характерланади.

Биз ишимизнинг обзор қисмида кўрганимиздек турли соҳа терминлари аксарият ҳолатларда морфологик тузилиши, таркибий-мазмуний хусусияти, сўз ясалиши, термин ва термин бўлмаган луғавий бирликлар ўрганилди. Уларнинг аксариятида термин қатор илмий дидактик манбалардаги каби талқин қилинди ва бу талқинлар, биз юқорида кўрсатишга ҳаракат қилганимиздек, кўзланган натижаларга олиб келмади. Шу нуқтаи назардан атоқли профессор, марҳум В.Г. Гакнинг термин бу вазифа (функция), ифода ва мазмун планларига эга ҳар қандай бирлик термин бўла олади деган фикри жуда асосли ва ғоят истиқболлидир.

Худди шунингдек, биз қайд этган ишлар орасида (гап француз тили ҳақида бормоқда) ҳайвонот ва наботот терминлари ҳам, тилшунослик ва адабиётшунослик терминлари ҳам қиёслаб ўрганилмаган. Бу ҳолат кейинги тадқиқотлар учун катта имконият майдони мавжудлигини кўрсатади.

II БОБ

ҲАЙВОН НОМЛАРИНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ

Ҳар қандай тил ўзининг кўп қиррали коммуникатив-функцион эҳтиёжи ва вазифасини таъминлай оладиган даражада лисоний воситаларга эга. Мана шундай воситалардан бири конкрет ва мавҳум, реал мавжуд ёки ҳаёлий, диний –фалсафий, маданий ва маиший соҳаларга оид нарса ва ҳодисалар ҳақида тушунчаларни ифода этувчи лексема (сўз)лардир. Лексемаларнинг миқдорий мажмуи, муайян тизим сифатида уюшган ҳолати тил луғавий фондининг таркибини ташкил қилади. Ушбу лексемалар, одатда, тилшуносликда муайян сўз туркумларига бўлиб ўрганилади: от туркуми, сифат туркуми, феъл туркуми каби. Ушбу туркумлар ўз ичида яна кўшимча туркумларга бўлиб тадқиқ қилинади. Мана шундай ҳолат от туркумини ташкил қилувчи лексемалар учун ҳам тегишлидир. Тил нарса ва ҳодисалар, улар ҳақида ҳилма-ҳил ҳамда мураккаб тушунчалар, уларнинг қирраларини асосий белги хусусиятларига таянган ҳолда умумлаштириб номлайди. Масалан, француз тилидаги *mouton-қўй* ва унинг маҳсулоти *gigot du mouton-* қўй гўшти деб юритилади. Худди шунингдек, француз тилида *boeuf-ҳўкиз* ва унинг маҳсулоти ҳам *boeuf –мол* гўшти деб юритилади. Демак, нарса ва ҳодисаларни, объектив оламдаги барча мавжуд борлиқни умумлаштириб номлаш инсон тафаккури ва тилнинг улуғ мўжизасидир. [Қаранг: Бегматов. Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент 2013 “Фан” нашриёти., 7- бет.] Аммо жамиятнинг кундалик мулоқоти, лисоний ҳаёти учун зарур бўлган иккинчи бир эҳтиёж ҳам бор. Бу объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, тирик мавжудотларнинг ҳар бирини алоҳида, яккалаб, доналаб номлашдир. Объектнинг, нарса ва ҳодисасининг бир донасини яккалаб, доналаб алоҳида олган ҳолда номлаш ҳаёт эҳтиёжи талаб қилган барча нарсаларга тарқала бошлаган ва тилда эндиликда атоқли отлар деб юритиладиган номлар кўпая борган. Мана шундай қилиб, киши исмлари, нарса ва предмет номлари

пайдо бўла бошлаган. Эндиликда тилшуносликда турдош ва атоқли отлар деб юритилаётган икки улкан от гуруҳи вужудга келган. Мана шу икки гуруҳ тилнинг лексик таркибини, луғавий бойлигини, тизимини ташкил қилади. Тилдаги атоқли отларни уларнинг пайдо бўлиши, мотиватив асосларини, семантикаси, лисоний структурасини тилшуносликнинг ономастика бўлими тадқиқ қилади. Ономастика – аслида грекча сўз бўлиб, “ном бериш санъати” маъносини билдиради. [Қаранг: Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М., Наука, 1988. С.96.] Тил бизни қуршаб турган объектив оламни ўзида акс эттиради. Объектив олам узвлари инсон сезги узвларига таъсир қилади ва унинг умумлашма образи тил ва унинг умумлашма образи тилда ўз ифодасини топади. Тилдаги лексемалар маълум фарқловчи белгиларига кўра муайян синфларга таснифланганидек, объектив олам узвлари ҳам ана шундай фарқловчи белгиларига кўра маълум гуруҳларга ажралади.

Аввало, олам инсоният олами, ҳайвонот олами, наботот олами сингари ўзаро муносабатда бўлган кичик оламлар бутунлигидан иборат. Инсоният олами ҳайвонот олами билан “ жонзотлик”, “жониворлик” белгисига кўра умумийликни ташкил қилса, “нутқий фаолият” белгиси асосида бир-биридан фарқланади, яъни инсониятда мавжуд бўлган бу белги ҳайвонларга хос эмас.

Ҳайвонлар ҳам тирик мавжудотлар системасини ташкил этади.

Маълумки, фанда ҳайвонот олами содда тузилмали ҳайвонлардан мураккаб, тузилиш нуқтаи назаридан инсонга яқин бўлган ҳайвонларгача ажратилади. Зоологияга оид илмий манбаларда ҳозирги кунда мавжуд ҳайвонларнинг 1,5 млн.дан ортиқ тури маълум эканлиги қайд этилади. [Қаранг: Дубовский Г.К., Умматов А. Зоологиядан ўқув қўлланма –Т.: Ўқитувчи, 1996. 248-бет.]

Тадқиқотимиз жараёнида 260 дан зиёд (ҳашоротлардан ташқари) ҳайвон номларини тўпладик уларнинг дастлабки гуруҳларга бўлинишини бўлса, ҳайвонот оламини ташкил этган ҳайвонларнинг ўзи тана ва унинг

қисмлари белгисига кўра, яшаш жойи (сув ҳайвонлари ҳамда қуруқлик ҳайвонлари), овқатланиш усули (сут эмизиш-сут эмизмаслик; кемирувчи ва кемирмайдиган), ҳаракатланиш усулига кўра (оёқ билан юрувчи, судралиб юрувчи, учувчи, сузувчи) белгилар асосида фарқладик. Бу жараёни амалга оширишда партонимия яъни лексемаларнинг маъно гуруҳларида бутун-бўлак муносабатларининг ифодаланишга эътибор қаратилди.

Шу жумладан, гипонимияга ҳам яъни луғат бойлигидаги лексемаларнинг поғонали (иерархик) алоқасидан келиб чиқадиган маъно муносабатларига ҳам диққат қаратилди. Бундай муносабатларнинг моҳияти шундаки, торроқ тушунча ёки маъно ифодалайдиган лексемалар кенгрок тушунча ёки маъно ифодалайдиган лексемалар билан тур (гипоним) ва жинс (гипероним) алоқасида бўлади, бундай алоқа бирлаштирувчи (интеграл) семалар орқали амалга оширилади. Масалан, мушук лексемасининг маъноси ҳайвон лексемасининг маъно таркибига киради. Бундай поғонали (босқичма-босқич) муносабат, айниқса у ёки бу фаннинг терминологик тизимида кенг тарқалган. Чунончи, тадқиқотимиз объектида ҳам тур тушунчасига, бу тушунча эса оила тушунчаси таркибига, оила тушунчаси бўлса синф тушунчаси таркибига кириши, синф тушунчаси эса энг катта таксономик категория бўлган тип тушунчасига киради. Лексемалар маъносидаги ана шундай боғланиш гипогиперономик (тур-жинс), партонимик (бутун-бўлак) муносабати деб қаралади. [Қаранг: Неъматов, Расулов Р., Ўзбек тили систем лексикологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1995, 111 – 123 – б.] Бундай муносабатлар луғат бойлигининг ёхуд ундаги айрим терминологик тизимларнинг қурилишини белгилайдиган муҳим омиллардан саналади. Шу йўл билан тилдаги лексемаларнинг парадигмалари (лексемаларнинг маъно тўдалари ёки маъно гуруҳлари) аниқланади. Тилнинг луғат бойлигини тизим (система) сифатида ўрганишда лексемаларнинг гипогиперономик муносабатларига таяниш муҳим аҳамиятга эга: у табиат ва жамиятдаги нарса предметларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг тилдаги номлари бўлган лексемаларнинг маъноларини

ва шу маънолар орқали борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг ўзлари ҳақидаги тушунча-тасаввурларни умумлаштириш ва фарқлаш имконини беради¹.

2. 1. Ҳайвонот олами ҳақида умумий маълумот.

Дастлаб ҳайвонот терминлари ҳақида сўз юритишдан аввал ҳайвонот дунёси, ҳайвонот турлари, уларнинг ўрганилиш фан тарихи хусусида тўхталадиган бўлсак: ҳайвонлар, ҳайвонот дунёси—органик олам системасидаги йирик бўлимлардан биридир. Ҳайвонларнинг бундан 1-1,5млрд. йил илгари океан сувида микрооскопик хлорофиллсиз амёбасимон хивчинлилар шаклида пайдо бўлганлиги тахмин қилинади. Ҳайвонлар хусусида ўзбек тилининг изоҳли луғатига мурожаат этганимизда эса ҳайвон(араб тилидан олинган бўлиб)—тирик нарса, ҳар бир тирик жон қаби маъноларни англатади ва уларни ўрганиш фан тармоғи Зоология саналади. Шундай экан бу фан хусусида тўхталишимиз тадқиқот ишимиз ҳайвонларни ўрганишда таянч омил вазифасини ўтайди. [Бу ҳақда қаранг: Навиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: «Высшая школа»,1982, с. 136 – 142]. Зоология сўзи грекчадан олинган бўлиб *зоо* - ҳайвон, *логос* - таълимот, фан яъни ҳайвонлар тўғрисидаги фан; унда ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, тузилиши, ҳаёт кечириши, тарқалиши ва яшаш муҳити, шунингдек уларнинг хусусий ва тарихий тараққиёти қонуниятларини ўрганади. Бу фан инсон ҳаёти ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Инсон ҳам узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасида ҳайвонот дунёсидан келиб чиққан ва эволюцион тараққиётнинг энг юқори поғонасига кўтарилган онгли мавжудот ҳисобланади. [Қаранг; Зоология, 6-7 синфлар учун дарслик, 3-нашри, Т., 2002, 7-8 бетлар.]

Модомики, инсоният тарихининг илк даврлариданоқ кишилар ҳайвонлар ҳаёти билан қизиққанлар. Қисқача ҳайвонлар тарихига назар соладиган бўлсак яъни уларнинг ўтмиш ҳаётида қандай қай даражада

ўрганилганлигини инсонларда олимлар изланишларида катта қизиқиш билан тадқиқ қилинганини кўришимиз мумкин.

Ҳайвонлар тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар милоддан аввалги V - IV асрга оид Миср, Хитой ва Юнон адабиётларида учраб экан, ҳайвонлар ҳаётига таалукли илк илмий асарлар милоддан IV аср аввал яшаб ўтган ҳар соҳада олим даражасида буюк изланишлар олиб борган инсон Аристотел яратган. Унинг асарларида 452 тур ҳайвоннинг тузилиши, ҳаёт кечириши ва тарқалиши тушунтириб берилган. Олим ҳайвонларни икки катта гуруҳ қонлилар ва қонсизларга ажратган.

Хатто илм –фан тараққиётининг маркази бўлмиш Ғарбий Европада ҳам уйғониш даврида барча табиий фанлар, жумладан ҳайвонот олами соҳасида ҳам муҳим кашфиётлар қилинган. Хусусан, Христофор Колумб, Марко Поло, Магеллан ва бошқа бир қанча сайёҳларнинг денгизлар оша саёҳатлари натижасида илгари номаълум бўлган янги ҳайвон турлари кашф қилиб ўрганилган.

Айнан шу даврда швейтсариялик врач ва натуралист К. Геснернинг (1516-1565) 17 бобли йиғма жилдли "Ҳайвонлар тарихи" асари пайдо бўлди. Ушбу асар кўп жиҳатдан содда ёзилган бўлиб унда ноаниқ маълумотлар кўп бўлишига қарамасдан, бугунги кунда энг қадимий энциклопедик манба ҳисобланади. [Қаранг: Мавлонов О., Зоология "академик литсей ўқувчилари учун ўқув қўлланма", Т., Чўлпон, 2010, 147-148 бетлар.]

XIX аср бошларида яшаган француз олими Ж. Кюве (1769-1832) тарихий қазилмаларни ўрганган ҳозирги кунда қирилиб кетган ҳайвонлар хусусида маълумот беради. Ж. Кюве ҳайвонот оламига *тур* тушунчасини киритади. Унинг ватандоши ва замондоши бўлмиш Сент Илер (1772-1844) эса турларнинг ташқи муҳит таъсирида ўзгариши борасидаги ғояни илгари суриб чиқди. XIX аср биология фанида тирик табиатдаги мураккаб формаларни энг содда формалардан келиб чиқиши тўғрисидаги ғояларнинг устун келиши билан характерланади.

Айниқса, бу фанда эволюцион ғоялар фақат Ч. Дарвиннинг (1809-1882) "Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши" асари босилиб чиққандан сўнг тўла-тўқис ўз асосини топади. Ч. Дарвин турларнинг ўзгариши ва органик олам эволюциясини тушунтириб қолмасдан, эволюциянинг асосий омилларини ҳам очиб берди. У тирик мавжудотлар тузилишининг мураккаблашиб бориши ва ташқи муҳитга мослашувининг сабаби узок давом этган табиий ёки сунъий танланиш эканлигини баён қилди. Дарвин таълимоти барча фанларининг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу таълимот биология фанлари олдига ҳайвонлар эволюцияси йўналишлари ва сабабларини очиб беришдек янги вазифаларни қўйди.

2. 2. Ҳайвон номларининг мавзуй гуруҳлари.

Ҳайвонот дунёси турли хил ҳайратомуз турлардан ташкил топган жумладан: *les mammifères*-сут эмизувчи, *les reptiles*—судралиб юрувчи, *les oiseaux*-қушлар ва паррандалар, *les amphibies* - амфибиялар (сувда ҳам, қуруқликда ҳам, яшай оладиган жониворлар), *les poissons* - балиқлар, *les insectes*- ҳашоратлар, *les mollusques* - моллускалар ва *les crustacés*-қисқичбақасимонлардан иборат. Ушбу мураккаб дунё тўғрисида қанча ўргансак шунча уларнинг қизиқарли, бир- бирига ўхшамас жиҳатларини кўришимиз мумкин. Тадқиқотимиз жараёнида ва ушбу бобда сут эмизувчи ҳайвон номлари, судралиб юрувчи ҳайвон номлари, қуш номлари ҳамда балиқ номлари каби катта гуруҳларга ажратдик. Биз ушбу ҳайвон гуруҳларини мавзуй гуруҳларга бўлишда изоҳли луғатда берилган таржималарга эътибор берган ҳолда бўлиб чиқдик. Масалан, сут эмизувчилар гуруҳининг ўзини ҳам шу гуруҳ ичида кўплаб турларга яъни кавш қайтарувчи, этхўр, кемирувчи, ўтхўр, туёқли, ҳартумли, қопчиқли, сут эмизувчи денгиз ҳайвонларига ва сут эмизувчи судралиб юрувчи каби гуруҳчаларга бўлинди. Қушлар ва паррандалар қуш номлари дея аталучи ном остига киритилди. Денгиз ва кўлларда яшовчи жамики балиқлар балиқ

номлари остидаги гуруҳлар ичида тасниф қилинди ва, албатта, гуруҳларга ажратишда энциклопедик луғатда берилган таржималарига асосланилди. Изоҳли луғатда жами берилган ҳайвонлар сони 260 дан зиёдни ташкил этди.

2. 2. 1. Сут эмизувчи ҳайвон номлари.

Ҳайвонот оламининг катта гуруҳи сут эмизувчилар деб номланиб, инсоният олами ҳам шу жумладан бўлиб, сут эмизувчилар боласини она танасининг сут билан боқиши билан бошқа турлардан фарқланади.

Аввало, юқорида ва қуйида биз ҳайвонот номларни тасниф қилишда уларнинг озиқланиш турига кўра сут эмизувчилар гуруҳига бўлдиқ. Эндиликда худди ўша сут эмизувчиларни кавш қайтарувчи ҳайвонлар, этхўр - йиртқич ҳайвонлар, маймунсимонлар, сув жониворлари, туёқли ҳайвонлар, қопчиқли ҳайвонлар, учувчи, ўтхўр, ҳартумли, хашоротхўр, судралиб юрувчи, кемирувчи, ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар сирасига бўлдиқ. «Le Petit Larousse» изоҳли луғатида сут эмизувчилар ҳайвон номларининг кўпчилигини яъни 113 тасини ташкил этаётганини гувоҳи бўлдиқ. Қуйида улар тўғрисида бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

Кавш қайтарувчи ҳайвонлар гуруҳи. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар сони 25 тани ташкил этди. Жумладан : *antilope n.f.*- антилопалар (жуфт туёқли кавш қайтарувчиларнинг катта бир группаси), *bouquetin n.m.*– ёввойи тоғ эчкиси, *buffle n.m.*- буйвол (буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон), *cerf n.m.* -буғу, *chateau n.m.*-туя, *chamois n.m.*- тоғ кийиги, қора эчки, *chèvre n.f.*- урғочи эчки, *chevreuil n.m.*- буғу, *daim n.m.*-лан буғуларга мансуб ҳайвон, *dromadaire n.m.*- бир ўрқачли туя, *élan n.m.*- буғулар оиласига мансуб бутоқ шоҳли ҳайвон, *gazelle n.f.*- оҳу, *girafe n.f.*-жирафа, *girafidé ou giraffidé n.m.* - жирафа оиласига мансуб ҳайвон, *girafon ou girafeau*-жирафа боласи, *gnou n.m.*- гну (Жанубий Африка кийиги), *impala n.m.*- антилопа, *lama n.m.*- Жанубий Америка туяси, *mouflon n.m.*- ёввойи қўй, *mouton n.m.* - қўй, *mule n.f.*-хачир, *mulet n.m.*-хачир, *muntjac n.m.*- буғу, *okapi n.m.*- жирафанинг бир тури, *renne n.m.*-шимол буғуси, *taureau n.m.* - буқа, хўкиз, *veau n.m.*- бузоқ.

Этхўр йиртқич сут эмизувчи ҳайвонлар. Этхўр йиртқич, бошқа ҳайвонларнинг гўшти билан озиқланадиган жониворлар, улар бир – бирларининг ҳаёт давомийлигини таъминлашади. Табиатда турли хил касалликлар тарқалишини олдини олади. Қуйида улар номлари тўғрисида бирма-бир тўхталиб ўтамыз. Изоҳли луғатда уларнинг 28 таси келтирилган.

Belette n.f.- ариқ сичқони (сувсарларга мансуб кичкина йиртқич ҳайвон), *blaireau n.m.*- бўрсик, *chacal n.m.*- чиябўри, шоқол, *chat, chatte n.*- мушук, *coati n.m.* - носуха, *castor n.m.* – бобр, сув қундузи, *dhole n.m.* - қизил тулки, *fennec n.m.* - феннек, бўйи кичик тулки, *fouine n.f.*- сувсар, *guépard n.m.* - гепард, чита(йиртқич ҳайвон), *hermine n.f.*- оқ сичқон, *hyène n.f.*- сиртлон, ёлдор бўри, *jaguar n.m.*- ягуар, йўлбарссимон йиртқич ҳайвон, *lion, lionne n.*- шер, арслон, урғочи шер, *loup n.m.*- бўри, *loutre n.f.*- қундуз, *lynx n.m.*- силовсин, *mouffette ou mouffette n.f.* - скунс (Америка сассик кўзани), *ours n.m.*- айик, *panda n.m.*-панда, *panthère n.f.*- қоплон, *puma n.m.*- пума (Америка ёввойи мушуги), *putois n.m.*- сассикқўзан, *renard n.m.*- тулки, *tigre n.m.*- йўлбарс, *vison n.m.*-қорақўзан, *pécari n.m.* - Америка ёввойи чўчқаси, *sanglier n.m.*- тўнғиз, ёввойи чўчқа, *serval n.m.* – ёввойи мушук.

Сут эмизувчи туёқли ҳайвонлар. Сут эмизувчи туёқли ҳайвонлар гуруҳи бошқа жониворлардан фарқи жуфт ва тоқ туёқли эканлигида қуйида ушбу жониворлар номлари тўғрисида бирма- бир тўхталиб ўтамыз. Уларнинг сони луғатда 9 та келтирилган; *éléphant n.m.* - фил, *cheval n.m.*- от, *phacochère n.m.*- Африка ёввойи чўчқаси, *poney n.m.*- пони, пастак от, *porc n.m.*- чўчқа, *rhinocéros n.m.*- каркидон, *sanglier n.m.*- ёввойи чўчқа, *tapir n.m.*- тапир (қисқа ҳартумли сут эмизувчи ҳайвон), *zèbre n.m.*- зебра. Ушбу ҳайвонларнинг айнан туёқли ҳайвон сифатида изоҳли луғатда берилиши ўқувчини ажаблантириши мумкин шу боисдан француз тилида келтирилган таърифини III бобда бериб ўтамыз.

Маймунсимон ҳайвон гуруҳлари. Сут эмизувчи ҳайвонлардан маймунларнинг турлари ҳам анчагина жумладан уларнинг изоҳли луғатда 13 таси берилган. *Atèle n.m.*- ўргимчаксимон маймун, *babouin n.m.*- иттумшук

маймун, *bonobo n.m.*- бонобо, бўйи паст шимпанзе, *cercopithèque n.m.*- мартишка, (макакалар жинсига мансуб, узун думли кичик хайвон), *chimpanzé n.m.* - шимпанзе (одамсимон маймун), *gibbon n.m.*- гиббон (одамсимон маймун), *gorille n.m.*- горилла (одамсимон маймун), *macaque n.m.* - макака (итсимон маймун), *mandrill n.m.*- мандрилл, *nasique n.m.*- узунтумшук маймун, *orang-outan ou orang-outang n.m.* - орангутан (одамсимон йирик маймун), *ouistiti n.m.*-уистити, *sarajou n.m.*- маймун.

Сут эмизувчи сув хайвонлари. Сут эмизувчи сув хайвонлари, қуйида уларнинг 12 таси энциклопедик луғатда келтирилган: *baleine n.f.*- кит, *balaineau n.m.*- кит боласи, *cachalot n.m.*-кашалот (тиши ўткир йиртқич кит), *dauphin n.m.*- делфин, *desman n.m.*- сув каламуши, *dugong n.m.*- денгиз хайвони, *hippopotame n.m.* - бегемот, *marsouin n.m.*- денгиз чўчкаси, *morse n.m.*- морж, *narval n.m.*- яккашоҳ, нарвал (тумшуғида шохсимон тиши бўлган китсимон денгиз хайвони), *otarie n.f.*- денгиз мушуги, *phoque n.m.*- тюлен.

Қопчиқли хайвонлар. Қопчиқли хайвонлардан 3 таси келтирилган, қуйидагилар: *kangourou n.m.*- кенгуру, *koala n.m.*- қопчиқли айиқ, *opossum n.m.*- опоссум (Америкада яшайдиган қопчиқли каламуш).

Қанотли сут эмизувчи хайвонлар. Қанотли сут эмизувчи хайвонлардан 4 таси берилган: *chauve-souris n.f.*-кўршапалак, *galéopitheque n.m.*- жунқанотлилар (тропик ўрмонларда яшовчи кўршапалаксимон махлук), *ornithorynque n.m.*- ўрдакбурун (Австралияда; тухумидан бола очадиган бир хил сут эмизувчи хайвон), *oryctérope n.m.*-найбурун.

Сут эмизувчи ҳартумли хайвонлар. Сут эмизувчи ҳартумли хайвонлар сирасига изоҳли луғатда 3 таси берилган: *mammoth n.m.*- мамонт, *éléphant n.m.*- фил, *mastodonte n.m.*- мастодонт (филсимон хайвон).

Сут эмизувчи ўтхўр хайвонлар. Сут эмизувчи ўтхўр, фақат ўт еб тирикчилик қиладиган алафхўр хайвонлар сирасига 3 та берилган: *lamantin n.m.* - ламантин, *lapin, e n.*- кролик, уй қуёни, *lièvre n.m.*- қуён.

Сут эмизувчи хашоротсимон хайвонлар. Сут эмизувчи хашоротсимон хайвонлар туркумига 2 та берилиб, улар қуйидагилар:

Musaraigne n.f.- ерқазар (хашорот), *taupe n.f.*- крот (ер остида яшайдиган бир турли сут эмизувчи хайвон).

Сут эмизувчи судралиб юривчи хайвон. Сут эмизувчи судралиб юривчи хайвон сирасига изоҳли луғатда фақатгина *pangolin n.m.*- яшчер (асосан Африка ва Жанубий Осиёда бўладиган калтакесакка ўхшаган йирик сут эмизувчи хайвон) келтирилган.

Сут эмизувчи судралиб юривчи хайвон. Сут эмизувчи кемирувчи хайвонлардан 10 таси берилган *hérisson n.m.*- типратикан, кирпи, *échidné n.m.*- ехидна (Австралида ва унинг атрофидаги баъзи оролларда яшайдиган кирписимон жонивор), *porc-Épic n.m.*- жайра, *gerboise n.f.*- кўшоёк, *furet n.m.*- сассикқўзан, *écureuil n.m.* - олмахон, *cobaye n.m.* - денгиз чўчкаси, *castor n.m.*-сув кундузи, *souris n.f.* - сичқон, *marmotte n.f.*- суғур.

2. 2. 2. Судралиб юривчи хайвон номлари.

Илонлар, калтакесаклар, тимсоҳларнинг барчаси судралиб юривчи хайвонлар сирасига киради. Сут эмизувчи хайвонлардан фарқли жиҳати шундаки, уларнинг териси мугуз тангачалар билан қопланган бўлади ва совуққон ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам совуқ хайвонлар ҳисобланади. Яна бир жиҳати шундаки, улар ҳамиша қуёшда исинишга муҳтож бўлишади. Судралиб юривчиларни ер юзасида ҳам сувда ҳам учратиш мумкин. Бу хайвонларнинг кўпчилиги дунёнинг иссиқ ўлкаларида, баъзилари жазирама чўлларда, баъзилари сувликларда яшайди. Ҳавонинг иссиқ кунлари қум остида ва совуқ кунларда баъзи тешикларда жон сақлашади. Кўпчилик судралиб юривчиларнинг тўртта панжаси бор, аммо баъзилари панжасиз. Барча судралиб юривчилар йиртқич этхўр, бошқа хайвонларнинг гўшти билан озиқланади, кўпчилиги ўлжасини ўлдириб озиқланади, тиши қайрилма қозиқли, тишлари орасида заҳар сақлаш хусусиятига эга.

Изоҳли луғатда судралиб юрувчиларнинг кўп учрайдиган ва камёб турлари хусусида 15 таси ҳақида маълумотлар келтирилган қуйида улар номлари хусусида тўхталамиз.

Boa n.m. – бўғма илон, *caméléon n.m.*- хамелеон, букаламун, *cobra n.m.*- кобра, кўзойнакли илон, *couleuvre n.f.* – сувилон, *crocodile n.m.*- тимсоҳ, *crotale n.m.*- шақилдоқ илон, (тропикада бўладиган захарли илон), *iguane n.m.*-игуана, *iguanodon n.m.*-игуандон, *lézard n.m.*- калтакесак, *ptérodactyle n.m.*-птерадактил, *python n.m.*- питон (тропик мамлакатларда бўладиган бўғма илон), *salamandre n.f.*- саламандра, *tortue n.f.*- тошбақа, *varan n.m.*- эчкемар, *vipère n.f.*- қора илон, (япалоқ бошли захарли илон).

2. 2. 3. Қуш номлари.

Фақатгина қушлар патли ҳайвонлар ҳисобланади. Уларнинг қанотлари борлиги кўкда бемалол парвоз қилиши билан бошқа ҳайвонлардан ажралиб туради. Қушларнинг дунёнинг турли қисмларида учратиш мумкин бугунги кунгача уларнинг 9000дан ортиқ турлари ўрганилган. Паррандаларнинг йиртқичлари ҳам хонакилари ҳам мавжуд. Макиён қушлар тухум қўйишади, кўпчилиги ин қуришиб инини кўриқлашади. Тухумдаги полапонлар очиб чиқишганидан сўнг эса катталари уларни боқишиб то инидан учиб кетмагунича ғамхўрлик қилишади.

«Le Petit Larousse» изоҳли луғатида 80 дан зиёд қуш номларининг изоҳи анчайин кенг баён этилган. Хусусан, унда рангли расмлар билан ҳар бир қуш турига алоҳида тўхталиб, ҳатто уларнинг тана қисмлари қандай номланиши таърифи ҳам берилган. Қуйида қуш терминлари номлари тўғрисида уларнинг иккала тилда қандай номланишига батафсил тўхталиб ўтамиз. *Apteryx n.m.*- Киви (кивиге ўхшаган шу ном билан аталувчи қуш), *autruche n.f.*- туяқуш, *balbuzard n.m.*- балиқхўр йирик парранда, *bécasse n.f.*- ўрмон лойхўраги, якантовук, *bergeronnette n.f.*- жиблажибон, *bouvreuil n.m.*- снегир (қушча), *busard n.m.*-бўктарги (йиртқич қушларнинг бир тури), *buse n.f.*- сор (йиртқич қуш), *butor n.m.*- мушгир, кўлбуқа (қуш), *agami n.m.*-

карнайчи куш, *aigle n.m.* -бургут, *aigrette n.f.*- пўпакча куш, *albatross n.m.*- албатрос (тумшуғи узун, катта денгиз куши), *alouette n.f.*-тўрғай, сўфитўрғай, *casatoès n.m.*-какаду, тожли тўтикуш, *sagou n.m.*- кагу, *caille n.f.*- бедана, *calao n.m.*- каркидон куши, *canard n.m.*- ўрдак, *casoar n.m.*- казуар, туякушнинг бир тури, *chouette n.f.*-боякуш, бойўғли, *cigogne n.f.*- лайлак, *colibri n.m.*- колибри (Америкада яшайдиган кичик рангдор куш), *colvert n.m.*- ёввойи ўрдакнинг бир тури, *condor n.m.*-кондор (Жанубий Америкада яшайдиган ўлимтикхўр йирткич куш). *Coq n.m.*- хўроз, *corbeau n.m.*- кузғун, *cormoran n.m.*- баклан, қоравой, қорабузов куш, *coucou n.m.*- какку, каккукуш, *courlis n.m.*- балчик куши, *crécerelle n.f.*- куйка, миккий (қирғийлар оиласига мансуб йирткич куш), *cugne n.m.*- оқкуш, *dinde n.f.*- курка (товуғи), *dindon n.m.*- курка (хўрози). *Étourneau n.m.*- чуғурчик, *faisan n.m.*-қирғовул, тустовук, *faucou n.m.* - лочин, *fauvette n.f.*-мойкут (куш), *flamant n.m.*- фламинго (қизил ғоз), *geai n.m.*- сойка, *goéland n.m.*-чайка, балиқчи куш, *grive n.f.*- қораялок, *grue n.f.*- турна, *gypaète [Zipaet] n.m.*- болтаютар (қарчиғайсимонлар оиласига мансуб йирик йирткич куш), *héron n.m.*- қарқара, *hibou n.m.*- бойкуш, бойўғли, *hirondelle n.f.*- қалдирғоч, *huppe n.f.*- сассиқпопишак, худ-худ, *ibis n.m.*-ибис (иссиқ ўлкаларда яшайдиган лайлакка ўхшаш узун оёқ куш), *indicateur n.m.*- қизилиштоннинг бир тури, *lagopède n.m.*- каклик, *masareux n.m.*- пингвиннинг бир тури, *manchot n.m.*-пингвин, *marabout n.m.*- марабу, мармот (лайлакларга мансуб катта куш), *martin-pêcheur n.m.*- кўктўрғоқ, *ménure n.m.*- лирадум, (чумчуксимонларга мансуб, эркагининг думи лирасимон куш), *merle n.m.*-қораялок, *merlette n.f.*- қораялок макиёни, *mésange n.f.*- читтак, *moineau n.m.*- чумчук. *Mouette n.f.*-чайка, балиқчи куш, *oie n.f.*- ғоз, *raon n.m.*-тустовук, *pélican n.m.*- соқокуш, бирқозон (тумшуғи остида мешқопи ҳалтаси бўлган йирик сув куши), *perdrix n.f.*- каклик, *pic n.m.*- қизилиштон, *pie n.f.*- ҳакка, зағизғон, *pigeon n.m.*- каптар, кабутар, *pinson n.m.*- заяблик (сайроқи куш), *pintade n.f.*- тесарка (товуқсимонлар туркумидаги парранда), *pingouin n.m.*- пингвин, *pique-boeuf n.m.*- буйвол куши, *roule n.f.*- товук, *roitelet n.m.*-чумчуксимонларга мансуб

кушча, *rossignol n.m.*-булбул, *rouge-gorge n.m.*- малиновка (чумчуксимонларга мансуб сайроқи куш), *souchet n.m.*- кенгбурун (ёввойи ўрдак ҳилидан), *tétras-lyre n.m.*-қур, карқур (катта ўрмон қуши), *vautour n.m.*- калхат, *verdier n.m.*-яшил қуш, *choucass n.m.*- зоғча.

2. 2. 4. Балиқ номлари.

Балиқлар дунё сувликлари, кўл ва океанларда 20 000дан ортиқ тур ва хиллари мавжуд. Бошқа ҳайвонлар каби балиқлар ҳам дунёнинг иссиқ ўлкаларида ва совуқ қутб сувликларида яшашади. Балиқ танасининг ингичкалиги уларнинг яхши ҳаракатланиб сузишларига ёрдам беради. Уларнинг жабра ва ўпкаси сув остида бемалол нафас олиш имкониятини беради. Балиқ танасининг температураси сув градусига мослашган бўлиб улар у ерда бемалол яшашади ва сузишади. Изоҳли луғатда балиқларнинг 41 таси берилган, қуйида улар номлари таржимасига тўхталамиз: *Ablette n.f.*- уклейка (карпсимонлар оиласига мансуб кичик балиқ), *anableps n.m.*- тўрт кўз балиқ, *anchois n.m.*- анчоус (майда денгиз балиғи), *anguille n.f.*-илонбалиқ, *barbeau n.m.*- сўзанбалиқ, *baudroie n.f.*- морской чёрт, *brochet n.m.*- чўртанбалиқ, *caret n.m.*-денгиз тошбақаси, *carpe n.f.*- карп, зоғорабалиқ, *cistude n.f.*- ботқоқ тошбақаси, *coelacanth n.m.*- целекант(а), латимерия, *congre n.m.*- денгиз илонбалиғи, *crabe n.m.*- денгиз қисқичбақаси, *crapaud n.m.*-чўлбақа, қурбақа, *daurade ou dorade n.f.* – дорада, *diodon n.m.*-типратикан-балиқ (рыба-ёж). *Épinoche n.f.*- найзабалиқ, *espadon n.m.*-меч-рыба, *esturgeon n.m.*-бақрабалиқ, *exocet n.m.*- летучая рыба, *goujon n.m.*- танга балиқ, *grondin n.m.*- тригла, морской петух, *hareng [arã]n.m.*- селд балиғи, *hippocampe n.m.*-денгиз оти, *limande n.f.*- камбала, қалқон балиқ (икки кўзи бир томонда бўлган япалоқ денгиз балиғи), *maquereau n.m.* скумбрия (кичикроқ денгиз балиғи), *merlan n.m.*- мерлан, *mérou n.m.*- черна, групер, мероу, *morue n.f.*- треска (шимол денгизларидаги балиқнинг бир тури), *turène n.f.*- мурена, *perche n.f.*- олабуға балиқ, *piranha n.m.*- пирания (пирайя, кариба), *poisson- chat n.m.*- денгиз

мушуги, *remora n.m.*- ёпишқоқ балиқ, *requin n.m.*- акула, *sardine n.f.*- сардиня (селдларга мансуб майда балиқ), *saumon n.m.*- сёмга

II боб бўйича хулоса.

Тил нарса ва ҳодисалар, улар ҳақида хилма – хил ҳамда мураккаб тушунчалар ва кирраларини умумлаштириб номлашга хизмат қилади. Объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни тирик мавжудотларнинг ҳар бирини алоҳида яккалаб, доналаб номлайди. Ҳаёт эҳтиёжи билан тилда эндиликда атоқли отлар деб юритиладиган номлар, киши исмлари, нарса ва предмет номлари пайдо бўла бошлаган. Шу жумладан, ҳайвон терминлари, ҳайвон номлари ҳам тилда муҳим аҳамият касб этади. Ҳайвон турларига кўра ҳар бир жонзотни алоҳида исм остида айтиш ҳам биологик турларнинг очилишига ҳам, зоологик типлар кўламининг кенгайишига ҳам олиб келади. Ушбу бобда ҳар бир изоҳли луғатда тўпланган ҳайвон терминлари номлаш жиҳатидан, ўша ҳайвон товушига тақлидига кўра, ранг- тус, ҳарактер - хусусиятига кўра ёки махсус термин орқали номланмоқда. Ҳайвон номлари мавзуй гуруҳларга бўлиниб, иккала тилда қандай номланиш таржимаси келтирилди. Тадқиқот жараёнида француз тилида ҳайвонларнинг кўпчилик урғочиси, эркаги, боласи алоҳида- алоҳида ном остида аталиши намоён бўлди. Ўзбек тилида бундай ҳолат кам кузатилди ҳайвон номлари олдидан эркаги, урғочиси, боласи сўзларини келтириш орқали терминга аниқликлар киритилди.

III БОБ.

ҲАЙВОН НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ

3. 1. Француз луғатлари тарихига бир назар.

Манбаларда «Лексикография» терминининг 3 маъноси қайд этилади.

Булар: 1) луғат тузиш масалалари билан шуғулланувчи фан

2) луғатлар тузиш амалиёти

3) муайян тил ёки билим соҳасига доир луғатлар мажмуи. [Аҳманова О.С. Словарь лингвистических терминов; М., 1966], [J. Marouzeau. Lexique de la terminologie linguistique ва б.]

Шунга асосланиб, лексикографияни тилшуносликнинг луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи бўлими сифатида таърифлашади. [қаранг : В. Г. Гак, Лексикография, 284].

Ушбу ўринда француз лексикографияси хусусида муҳтасар маълумот бериб ўтиш жоиз кўринади, чунки ўзбек тилида эълон қилинган манбаларда у хақида деярли маълумот берилмайди.

З.Н. Левит лексикография тарихини қуйидаги даврларга бўлади: 1) луғатгача бўлган давр (VIII-IX асрлар). Бу даврда асосан глосс ва глоссарилар – матндаги нотаниш сўзларни изоҳловчи луғатчалар тузилган. Ана шундай глоссарилардан бири VIII асрда яратилган ва ўз ичига 1300 лотинча сўз изоҳини олган Рейхенау глоссариларидир. Чунки бу даврга келиб, кўплаб лотин тили ва Инжилга доир сўзлар тушунарсиз бўлиб қолган эди; 2) француз лексикографияси тараққиётида илмий мушоҳадагача бўлган давр (XVI-XVIII асрлар). Бу даврда икки тилли – таржима луғатлари чоп этилган бунга мисол қилиб Роберт Этьеннинг 1539- йилда чоп этилган лотинча –французча ва французча –лотинча луғатидир. З.Н. Левитнинг ёзишича, «dictionnaire» сўзи илк марта шу даврда пайдо бўлган. Шундан кейин Ж.Нико (J. Nicot)нинг «Trésor de la langue française tant ancienne que moderne...» (1606 йил), Котгрев (Cotgrave)нинг инглизча французча луғати (A Dictionnary of the French and English Toungues, -1611) каби луғатлар

яратилди. Француз тилининг биринчи этимологик луғати 1650-йилда Ж. Менажу (Gilles Ménage) томонидан « Origines de la langue française » номи билан эълон қилинган. Манбаларда бу луғат Францияда этимологиянинг фан сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Дастлабки бир тилли, яъни изоҳли луғат 1680-йилда “Dictionnaire français, contenant les mots et les matières, et plusieurs nouvelles remarques sur la langue française, ses expressions propres, figures et burlesques, la prononçiation des mots les plus difficiles, le genre des mots...” номи билан Швецарияда чоп этилади. Луғат пуристик характерда бўлганлиги, яъни оддий сўзлашув тилга шевага хос сўзлар архаизм ва неологизмлар киритилмагани учун уни Академия Францияда босишга рухсат бермайди.

XVII асрнинг анча тўлиқ луғати Академия аъзоси Фрютер қаламига мансуб. 1690-йилда босилган ушбу луғат шундай номланган бўлган: Dictionnaire universel, continent généralement tous les mots français tant vieux que modernes et les termes des sciences et des arts. Маълумки, француз Академияси ўз олдига қўйган вазифалардан, асосан, луғатчилик билан шуғулланди. Бироқ унинг луғати фақат 1694-йилга келиб, эллик йилдан кўпроқ вақт давомида ишлангандан кейингина академия ўзининг луғатини эълон қилди. Мазкур луғат ҳақида З.Н. Левит шундай ёзади “Дославарный период завершается формированием национального французского языка, сопровождавшимся постепенным вытеснением латыни из различных областей общественной жизни; все это создает предпосылки для появления первых словарей”.

Худди ўша йили, яъни 1694-йилда Т.Корнельнинг 2 томли санъат ва фан луғати эълон қилинади. “Dictionnaire des arts et des sciences” деб аталувчи ушбу луғат Академия луғати асосида тайёрлангани билан характерланади.

XVIII асрда луғатларда ҳамон пуризмга мойиллик кучли бўлган бўлса-да, уларда энди мумтоз адиблар тилидан олинган мисоллар кам учрай бошлайди.

Мазкур юз йилликда, асосан, илмий техникавий луғатлар кўплаб чоп этилди. Қиёсланг:

Savary de Bruslans. Dictionnaire du commerce, 1723.

Saverne. Dictionnaire universel des mathématiques, 1752.

Dictionnaire de Trévaux.

G.Girard. Synonymes français, 1747.

Француз лексикографияси тараққиётида илмий давр. Бу даврда тилшунослик алоҳида илмий фан сифатида шаклланади (XIX асрдан эътиборан), Францияда Рейн Уар (1761-1836) ва Германияда Фридрих Дитс (1794-1876) роман тилшунослигига асос соладилар. Бу даврда қуйидаги луғатлар эълон қилинди:

P.-C.-V. Boiste. Dictionnaire Universel de la langue française (1800).

Gizo. Nouveau Dictionnaire Universel des synonymes de la langue française (1809 й).

Lavo. Nouveau Dictionnaire de la langue française (1820- йил) ва бошқалар.

1835- йилда “Академия луғати” нинг 6-нашри, 1856- йилда Пьер Ларусс (1817-1875) Nouveau Dictionnaire de la langue française луғати эълон қилинади

Э. Литтренинг лексикографик фаолияти, айниқса, характерли. У 1863-1873 йилларда “Француз тили луғати” ни нашр этди. Унда келтирилган сўзлар турли мисоллар билан изоҳланади. Э. Литтре луғати билан бир пайтда П. Ларуссинг “Grand Dictionnaire Universel du XIX siècle” 17 томлик қомусий луғати ҳам чоп этилди. Ф.Годфруанинг “Эски француз тили луғати ” (F. Godefroy. Dictionnaire de l’ancien français. 1889-1896) ҳозиргача энг бой ва мукамал луғат сифатида таърифланиб келади.

З.Н. Левит ўзининг “Лексикология французского языка” номли ўқув кўлланмасида “Larousse”, “Robert” туркум луғатлари ҳамда “Trésor de la langue française” ҳақида маълумот беради [ушбу китобнинг 40-44 бетларига қаранг]. Қуйида эса “Larousse” туркум луғати ҳақида сўз юритамиз. Чунки

биз ҳайвон номларини ана шу луғат асосида ўрганамиз. Мазкур луғат ҳақида З.Н. Левитнинг юқорида номи зикр этилган асаридан ва интернет маълумотларидан фойдаландик.

Авваламбор, диссертация мавзусининг тадқиқот объекти қилиб «Le Petit Larousse» изоҳли луғати олинар экан, ушбу луғат яратувчиси ва қимматбаҳо, ноёб китобнинг тузилиши тўғрисида тўхталмасак хатолик биздан ўтган, ишимизни баҳолаётганлар наздида эса манба таърифи келтирилмаганлиги аён бўлар эди. Француз ёзувчиси, луғатшунос, энциклопедист ва педагог Пьер Ларусс 1817-йил 23- октябрида Лённинг Тусий шаҳрида дунёга келади. Бу инсоннинг «Le Petit Larousse» деб номланган луғати унинг номини тарихга муҳрлади десак, муболаға бўлмайди. Унинг отаси аравасоз темирчи, онаси бўлса томоша кўрсатувчи кафелардан бирида хизматчи бўлиб ишлар эди. Пьер, аълочи ўқувчи бўлган кезларидаёқ унда Дидеро (Diderot)) сингари энциклопедист бўлишга иштиёқ пайдо бўлган эди ва 16 ёшида Версал (Versailles) да таълимни давом эттириш учун университет стипендиясига эга бўлди. Тусийга қайтиб, юқори ва бошланғич мактабга ишга кирганида эндигина 20 ёшда эди. Парижга қайтиб келишдан олдин уч йил давомида педагогика болада қандай қизиқиш уйғотиши мумкинлиги ҳақида кўпгина изланишлар олиб борди. Саккиз йил давомида у Сорбонна университетида дарсларни бепул давом эттириб, санъат ва моҳирлик консерваториясида, миллий музей тарихида ва Франция коллежининг катта - катта кутубхоналари билан алоқада бўлиб туради. У лотин тили, грек, санскрит, хитой тилларини, лингвистика, француз ва чет эл адабиёти, философия, механика ва тарих, астрономияни ўрганади. 1848-йилда Жауффре (Jauffret) Институтида репетитор сифатида уч йил фаолият юритади. Унинг илк «*Lexicologie des écoles primaires*» («Бошланғич синфлар лексикологияси») асари 1848-йилда чоп этилади. Ушбу асарнинг қайта нашри 1852- йилда «*Grammaire élémentaire lexicologique*» («Бошланғич курс лексикологиясининг грамматикаси») номи остида нашр этилди. Ушбу асари билан Пьер Ларусс луғатшуносликда жасорат билан тамал тошини қўяди.

Шундан сўнг ўша йилнинг ўзидаёқ Августин Бое (Augustin Boyer) билан нашриёт уйи очадилар ва тез орада Ларусс китоб савдоси ривожланиб кетади. 1852-йилнинг 1-мартида Пьер Ларусс расмий нашриёт китоб савдосини юритиш гувоҳномасини сўраб нашриёт уйига мурожаат этади ва шу йилнинг 23-октябрида ушбу ҳуқуқга расман эга бўлади.

У бу ишда кўп йиллар қатъият билан иш олиб боради. Унинг олдида кўйган мақсадларининг асосийси турли соҳаларда ҳамма нарсани билиш эди. Яна бир истаги бошланғич синфларга атаб мактаб дарслиги тайёрлаш эди.

1856-йилда Франсуа Пьён (François Pillon) ёрдами билан «Nouveau Dictionnaire de la langue française», «Le Petit Larousse» луғатининг асосчи тўплами чоп этилади. Унинг бир қисми “vocabulaire” ва иккинчи қисми “noms propres” га бағишланган. Бироқ бу тўплам черков томонидан қаттиқ қораланиб унинг китоблари чиқарилишини тақиқлаб қўяди ва уни римликлар инквизитсиясига топшириб юборишади. Унинг муҳим асарларидан бўлмиш «Grand dictionnaire universel du XIX siècle» («XIX асрнинг буюк универсал луғати») энг аввал 1864 -1866-йилларда бўлиб-бўлиб нашрдан чиқарилади. У уларни 17 том қилиб қайтадан 1866-1876-йилларда қарийб 11 йил давомида то вафотига қадар 22700 саҳифалик тадқиқотимиз асоси бўлган ушбу изоҳли луғатни ёзиш учун қайтадан гуруҳларга ажратиб чиқади.

Пьер Ларусс 1875 – йилда Парижда Ларусс жамоаси шаклланган кезлари инсултдан вафот этади. Унинг истагига кўра уни Монтпарнасс қабристонига ҳурмат билан дафн этишади.

«Nouveau Larousse illustré» бугунги кунга келиб Пьернинг отасининг исми билан аталадиган Ларусс китоб савдоси юксак натижаларга эришиб келмоқда. XX-асрнинг бошларига келиб зарварақли «Nouveau Larousse illustré» 7 томдан иборат эди. Ҳақиқатдан ҳам, мазмун ва моҳиятнинг аниқлиги, рангли, расмли кўплаб мисоллар орқали берилиши энциклопедиянинг кўлами янада кенгайтишига сабаб бўлди. энг аввало, муқаддимани мавзуга доир бой тасвирлар мажмуи ва уларни ўрганиш, тавсифлаш нашриёт ходимларининг дастлабки вазифаларидан

эди. Пьер Ларусснинг меҳнат, машаққатларига эҳтиром кўрсатиб унинг номи остидаги энциклопедия ишини буюк луғатшунос Клод Ўжэ (Claud Augé) юритди. Франция нашриёти ушбу шох асарни 250000 дан кўп нусхада чоп эттирди. Бу асар тез орада коллекционерлар учун қимматбаҳо манбага айланди. Шу билан бирга Клод Ўжэ маълумотлар баъзасини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Асарда 237 000 мақола, 7600 саҳифага тақсимланган бу саҳифаларда расмли 49000 нақшли тасвирлар, 504 та географик харита, 89 та рангли босма расмлардан иборат 7 томлик чинакам дурдона асар нашрига 150 та ходим сафарбар этилган эди. Муассаса асарга шиор ўйлаб топишди «*Souvent imité mais jamais égalé*», («Кўп таклид қилишади аммо, ҳеч қачон тенг бўла олишмайди») 1906-йилда «*Petit Larousse illustré*»нинг биринчи нашри босиб чиқарилган бўлса, шундан буён луғатнинг уч қисмга бўлиниш анъанаси бошланган: биринчиси луғатнинг она тили, иккинчиси лотин ва бошқа тиллардаги иборалар қизил саҳифаларда берилиши ва учинчиси луғатда атоқли отларнинг келтирилиши каби қисмларга ажратилди. Бугунги кунга келиб Ларусс муассасаси бебаҳо луғатни асл ҳолидан бошқа тилларга таржима қилишда ҳам кўплаб муваффақиятларга эришмоқда. Замон тараққиёти билан сўзлар, ҳудудлар ўзгариши натижасида луғатга ўзгартишлар киритилиб, ҳар бир йилга аталган нашри чоп этирилиши анъанага айланган.

Пьер Ларусснинг 2005 йилда эълон қилинган луғати муқаддимасида унинг тузилиши француз тили атоқли отлар, иллюстратив материал кабилар ҳақида мухтасар маълумот берилади [қаранг: *Larousse illustrée-2005*, 3-4 бетлар].

“*Le Petit Larousse*”нинг юз йиллиги муносабати билан 2005-йилда аслида қандай бўлса шундай ҳолича босилади. Луғат икки катта қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми турдош деб аталган сўзларга (“*noms communs*”)га бағишланган. Иккинчи қисмда эса атоқли отлар изоҳланган ушбу қисмлар бир биридан пушти ранг билан ажратилган. Уларда лотинча,

юнонча ва хорижий сўз ва иборалар, мақол ва маталлар келтирилган. Луғатнинг бошида “Memento de grammaire” рукни остида содда ва тушунарли тилда француз тилининг асосий тушунчалари баён қилинган.

“Le Petit Larousse” таркибан ўзига хос бўлиб у айна пайтда ҳам француз тили луғати ҳам энциклопедик луғат сифатида таърифланади. Француз тилига доир луғатда келтирилган ушбу сўзлар эътиборга молик: “La langue française appartient à ceux qui la parlent, l’écrivent et l’enrichissent, dans les régions de France, en Suisse, en Belgique, au Luxembourg, au Québec, aux Antilles, en Océanie, dans l’océan Indien, en Afrique noire, dans les nombreux pays arabes... La Langue française est riche de son unité mais aussi de ses diversités régionales, qui témoignent d’une histoire et d’une culture spécifiques. Une place grandissante leur est donnée, pour que chacun, où qu’il soit, ait une relation de complicité avec son Petit Larousse. Et, cette année la francophonie est particulièrement à l’honneur avec le cahier qui lui est consacré” [Le Petit Larousse illustré 2006, page 3].

3.2. Сут эмизувчи ҳайвон номлари талқини (Les mammifères).

Сут эмизувчиларга хос бўлган бошқа ҳайвонлардан фарқли умумий жихатлари танаси юнг билан қопланган бўлади (сут эмизувчи денгиз ҳайвонларидан ташқари) тана ҳарорати ўзгармасдир, денгиз сут эмизувчиларидан бошқаларининг панжаси тўртта бўлади. Ўпкадан нафас олишади, урғочилари боласини эмизиб катта қилиши билан бошқа синф ҳайвонлардан фарқ қилади. Биз тадқиқот объекти қилиб олган луғатда сут эмизувчиларнинг деярли барча тури учрайди. Хусусан, куйида улар тўғрисида луғатда берилган изоҳи ва ўқувчига тушунарли бўлиши учун қисқача ўзбек тилида қилган таржимамизга кўра бериб ўтамиз. «Le Petit Larousse» изоҳли луғатида сут эмизувчи ҳайвон номлари умумий 113 тани ташкил этмоқда. Шулардан кавш қайтарувчи (Mammifère ruminant) ҳайвонлар сони 25 та.

1. *Antilope n.f.* - (angl. Antelope, du gr.). Mammifère ruminant sauvage d'Afrique (gnou, bubale) ou d'Asie (nilgaut), dont la peau souple et légère est utilisée dans la confection de vêtements. (Famille des bovidés.) p-96. *Антилопа.* Жуфт туёкли кавш қайтарувчиларнинг катта бир группаси) сут эмизувчи ёввойи кавш қайтарувчи ҳайвон.

2. *Bouquetin n.m.* Chèvre sauvage des montagnes d'Eurasie et d'Afrique, à longues cornes incurvées et annelées (Famille de bovidés.) p-175.

Ёввойи тоғ эчкиси. Шохлари узун ўралган Европа, Осиё тоғларида учратиш мумкин.

3. *Buffle n.m.* (ital. bufalo). Mammifère ruminant aux longues cornes arquées, dont il existe plusieurs espèces en Europe méridionale, en Asie et en Afrique (cri: le buffle souffle; famille des bovidés) 2. Buffle domestique: karbau. P-185.

Буйвол. Буқалар кенжа оиласига мансуб сут эмизувчи, кавш қайтарувчи ҳайвон.

4. *Cerf n.m.* Ruminant des forêts d'Europe, d'Asie et d'Amérique, atteignant 1,50 m de haut et vivant en troupeau. (L'espèce d'Europe, qui pèse en moyenne 150kg, est l'objet de la chasse à courre. La femelle du cerf est la biche, le petit est le faon; le mâle porte des bois d'autant plus développés et ramifiés qu'il âgé; à un an, c'est un dague, vers six ou sept, un dix cors. Cri; le cerf brame, rait, rée. Famille des cervidés.) Cerf de Virginie; cervidé des forêts d'Amérique du Nord plus petit que le cerf d'Europe, cour appelé chevreuil au Canada. P-219.

Буғу. Европа, Осиё, Америка ўрмонларнинг кавш қайтарувчи ҳайвони, 1,50 м баландликгача сакрайди, тўда бўлиб яшайди. (Европа турининг оғирлиги 150кг гача кўпроқ овланади. Урғочи буғу (biche), (оленуха) буғу боласи (faon) (оленёнок) эркаги кексаларига қараганда ўрмонларда кўп учрайди бир яшарлиси (dague) деб номланиб етти- саккиз яшарлигида 10 тагача шох пайдо бўла бошлайди. Овози; ингичка. Буғулар оиласига мансуб эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

5. *Chameau n.m.* Mammifère ruminant d'Asie centrale, à grasseuses sur le dos, adapté à la vie dans les régions arides, où il sert de monture et d'animal de

trait.(Cri le chameau blatère. Famille des camélides. Dromadaire (en zoo) 2. Fam.Personne méchante ou acariâtre Quel vieux chameau !) p-223.

Туя. Марказий Осиё сут эмизувчи кавш қайтарувчи жонивори. Французларда сўзлашув услубида, кўчма маънода жаҳлдор одамга нисбатан кўлланиши ҳақида ҳам луғатда изоҳ берилган.

6.Chamois n.m. Mammifère ruminant aux cornes droites et recourbées vers l'arrière à leur extrémité, qui vit dans les hautes montagnes d'Europe et du Proche-Orient (Haut garrot 65cm; genre rubricapra famille des bovidés.) Chamois de Pyrénées: isard 2.Peau de chamois: peau chamoisée pour nettoyer les vitres, les chromes, etc. Adj inv.De couleur ocre jaune. P-223.

Тог кийиги. Қора эчки ушбу жониворнинг қаерларда яшаши, ранги, тури, ўлчами тўғрисида ва терисининг ойна артишда фойдаланилиши ҳақида ҳам қисқача изоҳ бериб ўтилган.

7.Chèvre n.f. 1.Petit ruminant à cornes arquées en arrière, aux nombreuses races sauvage et domestiques, que l'on élève princip, pour la production de lait.(Cri: la chèvre bêle, chevrote; ordre des artiodactyles.) –Cour, femelle adulte de cette espèces (par oppositions. À bouc, à chevreau.) p-237.

Урғочи эчки. Бўйи паст баъзи турлари ёввойи ва баъзи турлари хонаки бўлган, асосан, чорва учун боқиладиган ҳайвон эркаги ва боласи бошқа-бошқа ном билан аталиши ҳақида маълумот берилган.

8.Chevreuil n.m. Ruminant sauvage des forêts d'Europe et d'Asie, dont les bois, verticaux, n'ont que deux cors.(Cri: le chevreuil brame, rait. La femelle est la chèvre ou la chevrette; le petit mâle ou femelle est le faon de sa naissance à 6 mois, et le chevillard de 6 mois à un an. Haut au garrot 70cm ; longévitité 15 ans; famille des cervidés.) p-237.

Буғу. Буғунинг яна бир тури ҳақида маълумот жуда ўринли келтирилиб, урғочиси ва боласи қандай номланиши умр давомийлиги, бўйи тўғрисида изоҳ берилган.

9.Daim n.m. Mammifère ruminant des fôrets d'Europe, à robe tachetée de blanc et à bois aplatis à l'extrémité. (Haut, au garrot 90cm: cri; le daim bram: la femelle est la daine; le petit est la faon; genre *Dama*, famille des cervidés.) p-326.

Лан. Бу ҳайвон ҳам буғуларга мансуб бўлиб, худди юқоридаги буғуларга мансуб жониворлардек урғочиси ва боласининг номланиши ва тана тузилиши, баландлиги тўғрисида маълумот келтирилган.

10.Dromadaire n.m. Mammifère proche du chameau, à une bosse, grand coureur, résistant, utilise comme monture et comme bête de somme dans les désert d'Afrique et d'Arabie. Genre *camelus*; famille des camélidés. Syn; méhari. P- 382.

Бир ўрқачли туя. Арабистон ва Африка чўлларида учрайдиган бир ўрқачли, юқори тезликда чопа оладиган жонивор. Унга синоним номланувчи сўз ҳам изоҳли луғатда келтирилган.

11.Élan n.m. Grand cerf aux bois larges et plats, qui vit en Scandinavie, en Sibérie aux États –Unis et au Canada où appelé original (Long 2,80m; poids 1000kg; genre *Alces*, famille des cervidés.) p-398.

Бузу. Буғу оиласига мансуб бутоқ, кенг шоҳли, Сибир, Америка, Канада ва Скандинавияда яшайдиган оригинал ҳайвон, узунлиги ва оғирлиги, оиласи, тури ҳақида батафсил маълумот берилган.

12.Gazelle n.f. Petite antilope très rapide, aux cornes arquées en forme de lyre, vivant dans les steppes d'Afrique et d'Asie occidentale (Genre *Gazella*; famille des bovidés.) p-502.

Оху. Кичик, жуда тезкор, шоҳлари лирасимон Шарқий Осиё ва Африка чўлларида яшайди.

13.Girafe n.f. Grand mammifère ruminant d'Afrique, au cou très long et rigide, qui lui permet d'atteindre les feuilles d'acacia jusqu'à 6m de hauteur, et pelage fauve marqué de larges taches brunes. (les girafes vont l'amble et écartent leurs pattes antérieures pour boire et brouter; famille des girafidés.) p-511.

Жирафа. Африка кавш қайтарувчи, сут эмизувчи бўйи баланд жонивори, ранги, узунлиги оиласи ҳақида қисқача маълумот берилган.

14. Girafidé ou giraffidé n.m. Mammifère ruminant d’Afrique tel que la girafe (Les girafidés forment une famille qui ne compte que deux représentants actuels, la girafe et l’okapi.) p-511. Girafon ou girafeau n.m. Petit de la girafe.p-511.

Жирафа. Жирафа оиласига мансуб фақатгина ранг жихатдан сал фарқланувчи жонивор.

15. Gnou n.m. Antilope d’Afrique, à grosse tête chevaline ornée d’une barbe et d’une crinière, qui effectue des migrations saisonniers en trupeaux immenses. Haut au garrot 1,20 m; genre Connochaetes.p-514.

Гну. Жанубий Африка кийиги.

16. Impala n.m. Mot africain Antilope d’Afrique austral et orientale, vivant en grands troupeaux et dont le mâle porte des cornes en forme de lyre. Genre Aepyceros; famille des bovidés. P-566.

Антилопа. Африканинг жануби ва шарқий қисмида тўда бўлиб яшайди, урғочисининг шохи лирасимон бўлган ҳайвон.

17. Lama n.m. (mot esp du quechua) Mammifère ruminant de la cordillera des Andes, dont il existe deux races sauvages (guanaco et vigogne) et deux races domestiques (alpaga et lama proprement dit)élevées pour leur chair et leur laine, et utilisées comme bêtes de somme. (genre Lama; famille des camélidés.) p 619.

Жанубий Америка туяси. Кавш қайтарувчи, сут эмизувчи Анд тоғ тизмаларида яшовчи ҳайвон. Икки тур ёввойи ва икки хонаки турлари мавжуд. Хонакилари тери ва юнги учун боқилади. Туясимонлар оиласига мансублиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

18. Mouflon n.m.(ital.. muflone). Ruminant sauvage des montagnes de l’Europe et de l’Amérique du Nord, voisin du mouton, aux puissantes cornes enroulées. (Genre Ovis; famille des bovidés.) p-711.

Ёввойи қўй. Кавш қайтарувчи ёввойи Европа ва Америка шимолида яшовчи, кучли шохлари ўралгансимон қўй турига мансуб жонивор.

19. Mouton n.m. (lat. Pop. Multo, belier, du gaul.)1. Animal 1. Mammifère ruminant porteur d’une épaisse toison bouclée (laine), dont seul le mâle adulte

(bélier), chez certaines races, porte des cornes annelées et spirralées, et que l'on élève pour sa chair, sa laine et, dans certains cas, pour son lait. (Poids 40 à 150 kg; longévité env. 10 ans; le mouton femelle est la brebis, le jeune, l'agneau. Cri : le mouton bêle. Genre *Ovis* famille des bovidés, tribu des caprins.) II. *Personne*. Homme crédule, moutonnier ou d'humeur douce. P-713.

Кўй. Жуни қалин, жингалак, сут эмизувчи, кавш қайтарувчи ҳайвон. Вояга етган эркаги кўчқор деб номланиб бир неча хил турлари мавжуд, шохлари бўғим-бўғим, гажаксимон. Хонакилаштирилган бу жониворни гўшти, жуни, териси, баъзи ҳолларда сути учун боқишади. (Оғирлиги 40 кг дан 150кг.гача, умр кўриши 10 ёш; урғочи кўй совлик, ёш кўй эса кўзичок деб номланади. Овози маърайди. Тури Овис, қувуш шохлилар оиласига мансуб, насли ҳам қувуш шохлилар.)

20. *Mule n.f.* (lat. Mula) Hybride femelle d'un âne et d'un jument, Presque toujours sterile.

Ҳачир (урғочиси). Урғочи эшак ва от чатишмасидаги ҳайвон бўлиб, деярли насл қолдирмаслиги ҳақида қисқача маълумот келтирилган.

21. *Mulet n.m.* (lat mulus) 1. Hybride mâle d'un âne et d'un jument, toujours stérile. (l'hybride d'un cheval et d'une ânesse est appelé Bardot.) p-715.

Ҳачир (эркаги). “Bardot” деб номланган тури ҳам мавжуд.

22. *Muntjac n.m.* (d'un langue de Java). Petit mammifère cervidé du Sud-Est asiatique, aux bois courts plantés sur des chevilles osseuses permanents, et dont le cri est une sorte d'aboiement. (Genre Mutiacus et Elaphodus) p-716.

Бузу. Бўйи кичик Осиёнинг шимоли шарқида яшовчи шохли буғу ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган.

23. *Renne n.m.* (norv. ren). Mammifère ruminant voisin du cerf, de l'Eurasie septentrionale et du Nord canadien (caribou), se nourrissant de lichens et qui fait l'objet d'un élevage extensive par les Lapons, les Inuits et divers peuples sibériens, qui l'utilisent comme bête de trait, mais aussi pour sa viande, son lait, son cuir et ses bois. (la renne est le seul cervidé dont la femelle porte des bois. Genre Rangifer; famille des cervidés.) p-919.

Шимол буғуси. Сут емизувчи кавш қайтарувчи буғу турига мансуб Шимолий Европа ва Канада шимолида яшовчи ҳайвон, замбуруғлар билан озиқланади. Баъзи сибир халқи томонидан улов ҳайвони сифатида ва яна шохи, гўшти, сути, териси учун боқилади.

24. Taureau n.m. (lat Taurus). Mâle reproducteur de les espèce bovine. (Cri: le taureau beugle, mugit.) p-1038.

Буқа, ҳўкиз. Гўшт етиштириб берувчи қорамол зотидан эканлиги ҳақида маълумот берилган.

25. Veau n.m. (lat. vitellus). 1. Petit de la vache. Le veau d'or; symbole de la richesse (par allusion à l'idole que les Hébreux adorèrent au pied du Sinai). 2. Fam., péjor. Personne lourde de corps d'esprit. P-1101.

Бузоқ. Сигирнинг боласи. Тилларанг бузоқ бойлик рамзи ҳисобланиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Этхўр йиртқич сут эмизувчи номлари (Mammifère carnivore).

Этхўр йиртқич сут эмизувчиларнинг (Mammifère carnivore) изоҳли луғатда 28 таси келтирилган. Қуйида уларга энциклопедик луғатда берилган изоҳларни кўриб чиқамиз.

1. Belette n.f. (de belle) Petit mammifère carnivore D'Eurasie et d'Afrique du Nord, au pelage fauve sur le dos et au ventre blanc. (Long. 17sm env.; genre Mustela, famille des mustélidés.) p-153.

Ариқ сичқони (сусарларга мансуб кичкина йиртқич ҳайвон). Европа ва Африка шимолида яшайди, елка қисмининг юнги қизғиш сарик, қорин соҳаси оқ, узунлиги 17 см атрофида эканлиги ҳақида қисқача маълумот берилган.

2. Blaireau n.m. 1. Mammifère carnivore plantigrade de l'hémisphère Nord, au corps allongé et bas sur pattes (Long 70sm: genre meles, famille des mustélidés.) p-163.

3. Chacal n.m. Mammifère carnaissier d'Asie et d'Afrique, qui se nourrit de rongeurs, d'oiseaux, d'insectes et de charognes (Cri: le chacal jappe; genre Canis, famille des canidés.) p-221.

Чиябўри. Шоқол Осиё ва Африканинг йиртқич сут эмизувчи хайвонининг кемирувчилар, қушлар, ҳашоротлар, ўлаксалар билан озиқланиши ҳақида маълумот қисқача бериб ўтилган.

4.Chat, chatte n. Mammifère carnivore au museau court et arrondi, uax griffes rétractiles, dont il existe des espèces domestique et des espèces sauvages. (Cri: le chat miaule: famille des félidés)p-230-231.

Les races des chats: 1.chat sacré de Birmanie, 2. Bleu russe,3. Americain shorthair, 4. Angora,5. Ragdoll, 6.Chartreux,7. Ocicat, 8.Turc van, 9.Chat des forêts norvégiennes, 10.Somali,11. Mandarin, 12. Siamois, 13.exotic shorthair 14. Person bleu 15. Chinchilla, 16. Sphinx, 17. American curl,18. Scottish fold.

Мушук. Афт-ангори калта ва юмалоқ йиртқич сут эмизувчи, тирноқлари ичига тортиб олинадиган, уларнинг хонакилаштирилган ва ёввойи турлари ҳам мавжуд. (Овози: миёвлайди, мушуксимонлар оиласига мансуб.)

Изоҳли луғатда мушукларнинг 18 та зотларининг номи ва расмлари билан рангли тасвирда келтирилган.

5.Coati n.m. Mammifère carnivore de l’Amerique du Sud, à corps et à museau allongés chassant lézards et insects.(Long. Env. 45cm. sans la queue; genre Nasua, famille des procyonidés.) p-259.

Носуха. Жанубий Америка йиртқич сут эмизувчиси тумшуғи узунчоқ, калтакесак ва ҳашоротларни овлаб озиқланади. Узунлиги 45 см атрофида, думсиз эканлиги ҳақида маълумот берилган.

6.Castor n.m. Mammifère rongeur d’Amerique du Nord et d’Europe, à pattes postérieures palmées et à queue aplatie, construisant des digues de branchage dans les cours d’eau. (Famille des castoridés.) p-211.

Сув қундузи. Европа ва Шимолий Африканинг кемирувчи сут эмизувчиси орқа оёқлари туташпанжали думи япасқи дарахт шохларидан сувда дамба қуришади. (Сув қундузлари оиласига мансуб).

7.Dhole n.m. Canidé sauvage d’Asie, qui chasse en meutes. Genre Cuon.p-362.

Қизил тулки. Осиёнинг ёввойи йиртқичи, итлар галаси билан ов қилади. Изоҳли луғатда қизил тулки ҳақида жуда кам маълумот берилган.

8. *Fennec n.m.* Petit renard du Sahara et de l'Arabie, à longues oreilles. (Long. 60 cm; nom sc. Vulpes zerda, famille des canidés.) p-457.

Феннек. Бўйи кичик тулки кулоқлари узун. Оиласи ва синфи хусусида маълумотлар берилган. Узунлиги 60см.

9. *Fouine n.f.* 1. Mammifère carnivore d'Europe et d'Asie, au pelage gris-brun, court sur pattes, de moeurs nocturnes, qui s'attaque à la volaille dans les poulaillers. (Long. 50cm sans la queue; genre Martes, famille des mustélidés.) 2. Fam. Personne rusée, indiscrete. p-479.

Сувсар. Осиё ва Европанинг йиртқич сут эмизувчиси туси кулранг, жигарранг панжалари калта, тунда кун кечиради. Хонаки паррандаларга хужум қилади. Узунлиги 50 см думсиз эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

10. *Guépard n.m.* (ital. gattopardo, de gatto, chat, et pardo, léopard). Mammifère carnivore d'Afrique, d'Asie méridionale et du Proche-Orient, capable de courir à plus de 100 km/h. (C'est le seul félin dont les griffes ne soient pas rétractiles. Long. 1 m, sans la queue; genre Acinonyx.) p-529.

Гепард. Чита (йиртқич ҳайвон), Яқин Шарқ, Осиё жануби ва Африканинг йиртқич сут эмизувчиси 100 кмдан кўпга чопа олади. (Фақатгина мушуксимонларнинг панжасидаги тирноқлари ичга тортилади.) Узунлиги 1м думсиз эканлиги ва тури ҳақида маълумот берилган.

11. *Hermine n.f.* (lat. Armenius mus, rat d'Arménie) Mammifère carnivore proche de la belette, dont le pelage, fauve l'été, deviant blanc l'hiver (sauf le bout de la queue, toujours noir) et constitue une fourrure très appréciée. (long. 27 cm. famille des mustélidés.) p-542.

Оқ сичқон. Ариқ сичқони туридан йиртқич сут эмизувчи ёзда туси қизғиш сариқ, қишда думидан ташқари ҳамма жойи оқ. Териси қимматбаҳо, узунлиги 27 см.

12. Hyène n.f. (gr huaina) Mammifère carnivore d’Afrique et d’Asie, à pelage gris ou fauve tacheté ou rayé de brun, prédateur ou charognard, et dont on a trouvé des traces abondantes dans l’Europe du quaternaire. (Long. Jusqu’à 1,40m; cri: l’hyène hurle, ricane; genres Hyaena et Crocuta, famille des hyénidés.) p-557.

Сиртлон. Ёлдор бўри Осиё ва Африканинг йиртқич сут эмизувчиси, туси кулранг, жигарранг, ола була доғлари бор. Қонхўр, вахший Европанинг 4/1 қисмида бу ҳайвонни кўплаб учратиш мумкин. Узунлиги 1,40 м.

13. Jaguar n.m. Mot tupi guarani. Grand félin du Mexique et de l’Amérique du Sud, voisin de la Panthère, à taches ocellées. (Long. 1,80m env., nom sc Panthera onca.) p-601.

Ягуар. Йўлбарссимон йиртқич Жанубий Америка ва Мексиканинг катта мушуксимон қора қоплон туридан, хол рангли доғлари бор. Узунлиги 1,80 м. атрофида.

14. Lion, Lionne n. Grand mammifère carnivore, au pelage fauve orné d’une crinière chez le mâle, confiné auj.dans les savanes d’Afrique et dans le réserve au nord-ouest de l’Inde, après avoir vécu au Proche-Orient et en Europe.(Le plus souvent, ce sont les femelles qui chassent en bandes, des proies de grande taille.) {Long. 2,60m env; cri le lion rugit. Le petit est le lionceau. Nom sc. Panthera leo; famille des félidés.}p-635.

Шер. Арслон, урғочи шер катта йиртқич сут эмизувчи, туси сариқ қизғиш Европа ва Яқин Шарқ, Ҳиндистоннинг шимоли шарқида Африка саванналарида яшайди. Урғочилари тўда бўлиб ов қилишади. Узунлиги 2,60 м атрофида. Боласи ҳам алоҳида ном билан аталади.

15. Loup n.m. 1.Mammifère carnivore, à pelage gris jaunâtre, vivant en meutes dans les forêts d’Europe, d’Asie et d’Amérique, extirminé en France depuis 1930.(Cri: le loup hurle. La femelle est la louve, le petit louveteau. Nom sc. Canis lupus; famille des canidés) Jaune loup: jeune homme ambitieux, soucieux de faire carrière p-643.

Бўри. Йиртқич сут эмизувчи туси кулранг, сарғиш Америка, Осиё, Европа ва 1930 йилдан буён Франция ўрмонларида яшайди. Урғочиси ва боласи алоҳида ном билан аталади.

16.Lynx n.m. Mammifère carnivore de taille moyenne, haut sur pattes, à vue perçante, vivant en Europe (loup- servier des Alpes) en Amérique du Nord (lynx du Canada, lynx roux) en Asie et en Afrique (caracal). [genre Felis ; famille des félidés.] fig. être capable de discerner les petits détails qui échappent en général à l'attention.p-647.

Силувсин. Ўртача бўйли йиртқич сут эмизувчи, кўзлари жуда ўткир. Африка, Осиё, Америка Шимоли ва Европада яшайди. Кўчма маънода майда нарсаларга ҳам эътиборли одамга нисбатан ишлатилади.

17.Mouffette ou Mouffette n.f. (ital.. mofetta, du germ.) Mammifère carnivore d'Amérique, au pelage blanc et noir, qui éloigne les prédateurs en projetant à plusieurs mètres un liquid irritant et nauséabond sécrété par ses glandes anales. (La mouffette est le principal vecteur de la rage aux États-Unis; genre Mephitis, famille des mustélides.) SYN. Sconse. P-711.

Скунс. Америка сассиқ кўзани, йиртқич сут эмизувчи туси қора ва оқ, жуда қўланса эканлиги ҳақида маълумот берилган.

18.Ours n.m. (lat. Ursus) 1. Grand mammifère carnivore à la longue fourrure, à la queue courte, à la marche plantigrade. (Cri: l'ours grogne, gronde; le petit ourson. Famille des ursidés) 2. Fam Personne qui fuit le monde.

Atteignant 3 m de long pour un poids variant de 450kg (ours brun) à 600 kg (ours blanc), l'ours est le plus grand carnivore terrestre. Parmi les 7 espèces d'ours, l'ours brun d'Europe (genre Ursus) d'Amérique (où il est appelé grizzli) et du nord de l'Asie se nourrit de fruits, de miel, de saumons et de petits animaux ; l'ours noir, ou baribal, est le plus petits animaux ; l'ours noir, ou baribal, est le plus petit et ne vit qu'en Amérique du Nord; l'ours blanc, ou arctiques où ours polaire (genre Thalarctos), vit dans les régions arctiques où il mène une existence largement aquatique, se nourrissant de phoques et de poissons ; l'ours des coctiers (genre Helarctos), des fôrets tropicales du Sud –Est asiatique, est le plus petit des ours.

Une espèce européenne aujourd'hui éteinte l'ours des caverns (*Ursus spelaeus*), fut chassée et vénérée par les néandertaliens. P-768.

Айиқ. (лотин тилида Урсус)1. Катта йиртқич сут эмизувчи узун юнгли, думи калта, тўхтаб-тўхтаб ҳаракатланадиган ҳайвон. (Овози минғир – минғир, ириллайди; кичкинтойи айиқ боласи ўзбек тилида, айиқлар оиласига мансуб). Қўнғир айиқларнинг вазни 450кг узунлиги 3 метр бўлиб ок айиқларнинг вазни бўлса 600кг гача, айиқлар ер шарининг энг катта йиртқич ҳайвони ҳисобланади. Айиқларнинг 7 та тури орасида Европа ва Америка қўнғир айиғи ва Осиёнинг шимолида яшовчи айиқлар мева, асал, сёмга балиғи ва кичик ҳайвонлар билан озиқланади; қора айиқ фақатгина Шимолий Америка ҳудудида яшайди; ок айиқ, арктика айиғи ёки қутб айиғи арктика ҳудудларида ва арктика ҳудудига олиб борувчи ерларда яшайди, тюлен ва балиқлар билан озиқланади; жануб айиқлари Осиёнинг шимолий жанубидаги тропик ўрмонларда яшайди айиқлардан энг кичиги ҳисобланади. Бугунги кунда европа айиқлари орасида яна бир тур аниқланган улар ғор айиқлари деб номланади улар неандертал одамлари томонидан қўп овланган.

19.Panda n.m. (mot népalais). Mammifère de l'ordre des carnivores, mais herbivore, dont il existe deux espèces: le grand panda (genre *Ailuropoda*) de pousses de bamboo, le petit panda (genre *Ailurus*), au pelage roux, noir et blanc, ressemblant à un raton laveur, qui vit dans les forêts de l'Himalaya oriental et de la Chine méridionale, et se nourrit de feuilles, de fruits et d'insectes. (Famille des ursidés.) p-778.

Панда. Сут эмизувчи йиртқич, ўтхўр ҳам ҳисобланади. Изоҳли луҳатда уларнинг 2 тури мавжудлиги, уларнинг қаерларда яшашлари ҳақида маълумот берилган.

20.Panthere n.f. (gr. Panther). Mammifère carnivore des régions tropicales d'Afrique et d'Asie méridionale, au pelage jaune tacheté de noir; fourrure de cet animal. (Nom sc. *Panthera pardus*; famille des félidés.) Panthere d'Afrique: leopard. –Panthere des neiges: once. P-779.

Қоплон. Сут эмизувчи йиртқич Осиёнинг жануби ва Африканинг тропик худудларида яшайди. Туси сарик, қора доғлар билан қопланган, бу хайвоннинг мўйнаси қимматбаҳо эканлиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган.

21.Puma n.m. (mot quechua). Mammifère carnivore des fôrets, des praires et déserts de l'Amèrique, au pelage fauve. (Long 2,50 m env.: nom sc. Puma concolor, famille des félidés.) SYN.: cougar. P-879.

Пума. Америка ёввойи мушуги ўрмон йиртқич сут эмизувчиси Американинг чўл ва дашт, ўрмонларида яшайди, туси қизғиш сарик. Узунлиги 2,50 м атрофида.

22.Putois n.m. (anc. Fr. Put, puant)1. Mammifère carnivore d'Europe, voisin de la fouine, s'attaquant aux animaux de basse-cour, et dont la fourrure brun foncé, est recherchée. (Long, 40cm env.,; famille des mustélidés.) p-880.

Сассиққўзан. Европанинг йиртқич сут эмизувчиси, туси тўқ жигарранг камёб жонивор. Узунлиги 40 см атрофида.

